

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“ИЖТИМОЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

ШАКАР АХАДОВ

**ИЖТИМОЙ ФАНЛАРГА ТАЛАБАЛАР ҚИЗИҚИШИНИ
ОШИРИШНИНГ АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ТҮҒРИСИДА
МУЛОҲАЗАЛАР**

(Илмий – услугбий кўрсатмали қўлланма)



С А М А Р Қ А Н Д - 2006 йил

Тахриз берганлар:

профессор С.К.Каримов.
доцент Б.С.Қаршиев.

Маъсул мухаррир:

доцент Ш.Эралиев.

Ушбу услубий кўрсатмали қўлланма ижтимоий фанлардан дарс берадиган ҳамма педагог ва тарбиячиларга, ижтимоий фанлардан дарс беришга қизиққан ёш мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, бу қўлланмада ижтимоий фанлардан дарс бериш жараёнида талабаларнинг бу фанларга бўлган қизиқишини оширишда мақсадга мувофиқ самарали натижаларга эришишга мувоффақ бўлаоладиган анъанавий ва замонавий услублари ҳақида, ижтимоий фанларга турдош бўлган ихтисосли, мутахассис кадрлар тайёрлайдиган фанлар билан уйғунлаштириб, боғлаб ўтишнинг афзалликлари ва услублари ҳақида амалий тажрибада синаалган мисоллар асосида фикр, хulosалари ҳақида мулохазалар беради.

К И Р И Ш.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб суверен давлат сифатида тараққий этиш жараёнида сиёсий имкониятини қўлга киритганлигидан бошлаб тарихан қисқа вақт мобайнида асрларга тенг ютуқларни қўлга киритишга мувоффак бўлинмоқда. Ана шундай ютуқлардан бири ёш авлодни, айниқса таълим оловчи талабаларни ўз ватанига меҳр – муҳаббат қўядиган, содик ва баркамол, билимдон, комил – инсонли авлодни вояга етказишнинг тўла имконияти яратилганлигидир. Ана шундай имкониятларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилаётган, президентимиз ташаббуси билан 1997 йил 27 августида Олий Мажлиснинг IX – сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилинганлигидир. Бу қонун ва «Миллий дастур»нинг асосий мақсади келажакда ўз ватанига содик, билимдон, рақобатбардош ихтисосли мутахассис кадрларни тарбиялаб вояга етказиш бўлсада, бунинг учун таълим тизимини, қарамлик асоратидан, қизил мафкуравий тушунча ва сарқитли қарашлардан батамом холис этишдан, келажакда ривожланган демократик давлат даражасига мувофиқ келадиган маънавиятли, баркамол, юксак малакали кадрлар тайёрлаб беришдан иборатдир.

Хурматли президентимиз И.А.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» номли асарида бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг ўлкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин»¹.

Ушбу мақсадга эришиши учун мамлакатимиз мустақиллиги йилларида ёш авлодни комил инсонли кадрлар этиб тарбиялашда асрларга тенг ютуқларга эришилди. Бу соҳада ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни сезиларли аҳамиятга эга бўлди. Айниқса олий таълим тизимида талабаларга ижтимоий фанлардан дарс-таълим бериш, уларнинг ушбу фанларга қизиқишини тобора ошириш, билим соҳасини кенгайтириш, фикрлаш, мулоҳаза қилиш қобилиягини чуқурлаштириш борасида амалда бажариш учун қўлланиладиган услубияти хозирги даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммолардан биридир. Ундан кутиладиган асосий мақсад келажакда баркамол, ватанга содик авлодни тарбиялаб, вояга етказишида, уларда социал – сиёсий, маънавий – мафкуравий масала – муаммоларни кенг ва атрофлича чуқурроқ ўрганиш фаолиятини, билимли, илмли ва мулоҳазали бўлишга қизиқиши қобилиятини шакиллантиришдан иборатдир. Хурматли президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» номли асарида, энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб жамият маънавиятини янада юксалтиришни, эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакиллантириш масаласини олдимиизда турган энг муҳим долзарб вазифа эканлигини бежиз

¹ И.А.Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муҳаддасдир» Т.: «Ўзбекистон», 1996. 361-бет.

ўқтирумаган эди¹. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар асосида юз берәётгн моҳияти чукур ва сермазмунли ўзгаришлар кадрлар тайёрлашда таълим-тарбия тизимида ўқитиш, дарс беришни тубдан ўзгартиришни таълим-тарбиясини замонавий услубларидан кенг кўламда фойдаланишни, услугбиятда янги-янги самарали методлар ишлаб чиқариш ва уларни қўллашни таққазо этмоқда. Шу асосда кенг профелли мутахассис-кадрлар тайёрлашни яхшилаш, сифатини оши ришни вазифа қилиб қўймоқда. Халқ таълими, олий таълимнинг барча тармоқларида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, тарбия, таълим, сиёсий ва қасбий тайёргарликни изчил амалга оширишни хозирги давр талаб этмоқда. И.А.Каримов «Мактаб – ўрта – олий таълим – илмий тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак деб ўйлайман. Бунда илмий-техник тараққиётнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор бериши зарур. Ана шундай мустаҳкам алоқалар туфайлигина замонавий юксак технологияларда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига мос янгича фикрлай биладиган мутахассисларни тайёрлашимиз мумкин»² - деган ёшларни ғоявий ижодий жиҳатдан тайёрлашнинг илмий-назарий йўлининг устуворлигини кўрсатиб берган эди.

Шу сабабли ҳозирги давр ва келажакда ижтимоий фанлардан дарс ўтишнинг, асосан семинар машғулотларини сифатли олиб боришни аниқ дастури вазифаси ана шундан иборат. Айниқса талабалрга ижтимоий фанлардан маъруза дарслари, амалий машғулотларини сифатли ўтиш, ихтисосли турдош фанлар билан уйғунлаштириш асосида таълим-тарбия бериш, уларда дунёқарашни аниқ шакллантиради, билим олиш, билиш, мулоҳаза қилиш, тўғри ва аниқ фикрлаш қобилиятини яхшилайди. Илмий ва назарий билимларга эга бўлишда тафаккурий онгини кенгайтиради, бу соҳадаги самарали фаолиятини тезлаштиради, маънавий, мафкуравий ва ғоявий харакати салоҳиятини оширади.

Шунинг учун ҳам ижтимоий фанлардан дарс ўтиш, таълим-тарбия бериш, ёшларни, айниқса талаба ёшларни порлоқ келажагимиз руҳига мос кадрлар қилиб тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Шу мақсадда ижтимоий фанлардан талабаларга таълим-тарбия берилар экан, уларда хар бир предметга нисбатан қизиқиши уйғатиш учун дарс ўтказишнинг илғор замонавий услубларидан фойдаланиш, маъруза ва амалий машғулотларни жонли, талабалар руҳиятига ижобий таъсир этадиган фактик материаллардан фойдаланиб хар бир сўзни аниқ, равон, тиник ва тўғри ишлатиб тафаккурий онгини чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса талабаларга мустақил фикрлаш учун мустақил ишларнинг самарадорлигини ошириш, илмий докладлар, рефератлар ёзиш малакасини бериш, ўтиладиган хар бир дарсни мунозарали, муаммовий масалалар асосида, манбаъларга таянган ҳолда, хар бир предмет мавзуини дискуссия, муҳокама қилиб, фикр хилма-хиллигига кенг йўл бериш асосида ўтказиш ниҳоятда самарадорлидир, ҳозирги кунда муҳимдир.

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т.: «Ўзбекистон», 1999, 17-бет

² И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иштисодий истишболининг асосий тамойиллари» Т: «Ўзбекистон», 1995, 21-бет.

Ундан ташқари хар бир ижтимоий фан кафедралари қошида илмий кружоклар ташкил этиш, конкурслар уюштириш, илмий-амалий талабалар анжуманларини ўтказиш, уларнинг илмий докладларини тинглаб, эшитиб, кенг муҳокама, мунозара қилиш ҳам бениҳоя фойдалидир.

Бундай тадбирий усуллардан фойдаланиш ҳозирги ҳуқукий демократик фуқаролик жамият қуриш жараёнида давр таққоза этаётган талаблар доирасида ёшлар тафаккурида билиш, онглаш фаолиятини тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу тарзда ёшларга тарбия, билим берса, уларнинг онгини руҳий тафаккурни чуқурлаштиришда, атроф-муҳитни, борлик дунёни билишда ижтимоий фанлар катта роль ўйнайди ва кучли таъсир этиш имкониятини яратади, борлиқ дунёни онгли равишда тасаввур этиб, ижтимоий харакатни, умумий тараққиёт қонуниятларини тўғри тушунишида қўл келади.

Шунинг учун таълим тизимида ёшларга, айниқса талабаларга ижтимоий фанлардан самарали билим беришнинг аҳамияти, мақсади ва вазифасининг муҳимлиги ҳам мана шундадир. Шу сабабли ижтимоий фанлардан дарс беришнинг самарадорлигини оширишнинг энг зарурий сабабларидан биридир. Бунинг учун таълим-тарбия бериш жараёнида ижтимоий фанлардан дарс беришнинг самарадорлиги биринчи навбатда тарбиячи-педагогнинг, ўқитувчининг билим савиясига, тарбия бериш малакасига, билим тафаккурининг салмоғига назарий ва амалий жихатдан тайёрлиги даражасига боғлиқдир. Муҳими ижтимоий фан ўқитувчиларининг талабалар билим тафаккурини, онгли фаолиятини тезлатадиган, самарали натижа берадиган, уларнинг ижтимоий фанларга қизиқишини оширишга олиб келадиган қандай замонавий услублардан, таълимнинг замонавий форма ва воситаларидан фойдаланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу рисолада қисқача бўлсада шу ҳақда фикр юритилиб талабаларнинг онгли тафаккурига, билиш фаолиятига тезкор таъсир этадиган ижтимоий фанлардан дарс, таълим-тарбия бериш услубиятлари, ихтисосли турдош фанларни уйғунлаштириб ўтишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Дастлаб талабаларни ижтимоий фанларга бўлган қизиқишини ўйғотиш ва ривожлантириш усулларига тўхталиб ўтамиз.

1 – БОБ. ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРГА ТАЛАБАЛАР ҚИЗИҚИШНИНИ ОШИРИШНИНГ АНЬАНАВИЙ УСЛУБ ВА УСЛУБИЯТЛАРИ ҲАҚИДА.

**§1. Талабаларнинг ижтимоий фанларга
бўлган қизиқишини ошириш
имкониятлари ҳақида.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб келажақда ҳуқукий демократик фуқаролик жамиятга, яъни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида юртимиз юксак маънавий-гоявий, назарий ва амалий билимларга эга бўлган, ватанга содик мутахассис-ниженер қурувчилар, иқтисодчилар, бунёдкор меъморлар, коммунал хизмати мутахассислари, ҳалқ хўжалигимизга керакли

бошқа соҳа кадрлари нихоятда зарурдир. Маънавий-гоявий жиҳатдан юксак билимга эга бўлган комил инсонли ихтисосли мутахассис кадрларни тарбиялаб вояга етказишни ижтимоий фанларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ижтимоий гуманитар фанлардан юксак билимга эга бўлган кадрлар келажагимиз таянчидир. Бу ҳақда президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли асарида шундай деб ёзган эди: «Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹.

Ҳақиқатда келажагимиз тақдири юртимиз, мамлакатимиз тараққиёти кимларга боғлиқ, қандай кадрлар келажакка тайёрлаб қолдиришимизга бевосита боғлиқдир. Ватанга содик маънавий-мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам иродали, гоявий кучли, сиёсий-ижтимоий соҳадан, илму-фандан билимдан меҳнатсевар, ота-бобо-ларимиз намунасида тарбияланган садоқатли мутахассис кадрлар тайёрланса ҳурматли президентимиз таъкидлаганидек келажагимиз буюк давлат бўлади.

Ана шу мақсадда ижтимоий фанлардан дарс ўтиш жараёнида талабаларнинг ҳамма фанларга, асосан «Фалсафа», «Социология», «Миллий ғоя...», «Маънавият ва маърифат асослари», «Сиёсатшунослик», «Ўзбекистон тарихи», «Этика-эстетика», «Диншунослик», «Маданиятшунослик» ва «Иқтисодий назария» си фанларига бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг тушуниш қобилиятини бу фанларни билиш фаолиятини тезлаштириш, тафаккурий онгини кенгайтириш, муҳокама, мулоҳаза ҳаракатларини жадаллаштириш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳозирги давр тараққиёти таққоза этмоқда. Бунинг учун ижтимоий фанлардан талабаларга дарс ўтишнинг турли хил намунавий усул ва услубларидан фойдаланиш, фойдали оптимал варианларини қўллаш талаб этилмоқда. Шу сабабли талабаларда узлуксиз ижтимоий фанларга бўлган интилишини жадаллаштириб тушуниш қобилиятини тезлаштиришдан, улар билимини тафаккурий онгини кенгайтириб, фикрлаш, муаммовий масалаларни муҳокама мунозара қилиб аниқ ва тўғри хулосалар чиқариш намунавий малакаларини оширишдан, тўғри йўлланмалар беришдан иборат бўлмоғи даркор. Бу жараён албатта мураккаб ва зарур соҳадир. Бу мақсадга эришиш учун дастлаб талабаларда қизиқиш уйғатиш, қизиқарли, самарали дарс ўтишдан иборатдир.

Талабаларда ижтимоий фанларга, умуман фанларга қизиқиш уйғотиш учун уларнинг тушуниш фаолиятини уйғатиш ва тезлатиш зарур. Чунки тушуниш фаолияти қанча тез уйғотилиб тезлатилса, ёшларда билиш қобилиятини шунча фаоллаштириш мумкин. Чунки билиш билан тушуниш тафаккурий онгнинг уйгониши ва кенгайиб фаоллашуви бир-бири билан объектив боғлиқ жараёндир. Шунинг учун талабаларда билиш ғобилиятини фаоллаштириб тафаккурий онгини уйғотиш учун фанларга бўлган қизиқишини ошириш керак. Талабаларда қизиқишининг ошиши бевосита шахснинг фикрлаш тафаккурини вужудга келтиради. Бу эса, - «талабаларда тушуниш ва қизиқиш фаолиятини жадаллаштиради», - деб таъкидлайди психолог олимлар².

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т: «Ўзбекистон», 1999, 18-бет

² Шаранг. «Познавательный интерес – актуальная проблема современной дидактики», Шарং. «Сов.Педагогика», 1979, №8.

Талабаларда тушуниш қобилиятини, қизиқиш фаолиятини жадаллаштириш учун ҳукуматимизнинг «Таълим тўғрисида»ги «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги фармонларини самарали бажариш борасида мавжуд муаммовий вазифаларни ҳал этиш долзарб бўлиб қолмоқда. Энг муҳими олий таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий гуманитар фанларнинг зарурий таркибининг аник тизимини вужудга келтириб, хозирги давр талабига, ёшлар, талабалар талабига, қизиқишига мос келадиган, жаҳон цивилизацион андозаларига мувофиқ яқинлаштириш асосида, улар онгига кучли таъсир этадиган, ҳам назарий, ҳам амалий билимлар берадиган ортиқча, кераксиз, умумийликлардан холи бўлган ижтимоий-гуманитар фанларни танлаб олий таълим тизимида қолдириб ўқитишни хозирги давр таққоза этмоқда. Чунки хозирги кунда олий таълим тизимида қарийиб 20-дан ортиқ ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилмоқда. Жумладан фалсафа фанига яқин қарийиб 6-та фан, иқтисодиёт фанига доир қарийиб 10-тага яқин, тилшунослик ва адабиётга доир қарийиб 5-6-та фан, маънавият асосларига, Ўзбекистонда демократик жамият қурилиш назарияси ва амалиёти, Сиёсатшуносликка ва социологияга доир фанлар ўқитилмоқдаким, бу ҳолат кўплаб турдош фанларни алоҳидаликка йўл қўйиб таълим бериш, талабалар эътиборини бир хил моҳиятга яқин фанларни турли хил кўплаб предметларга ажратиб таълим бериш, уларда эккиланиш, фикр-мулоҳазаларини чалғитишга, уларда бепарволик ва ишончсизлик ғоясининг вужудга келишига олиб келади. Шунинг учун бу фанларни назарий-услубий ва предметлик асосида яхлит фанга молик ва яқин хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бирлаштириб, бир-бирига яқин фанларни яхлит фанларга айлантирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу мақсадда ижтимоий-гуманитар фанларнинг мавжуд дастурларини қайта кўриб чиқиш, давлат стандартларига мувофиқ мавзуларни яхлитлаштириб хозирги даврга мос, талабалар қизиқишига мос мавзулар танлашиб, шу асосда ўкув қўлланмалар, дарсликлар яратилса янада яхши бўлар эди. Шу билан бир қаторда ижтимоий-гуманитар фанларни президентимиз И.А.Каримов асарлари, давлат ва ҳукуматимиз фармон, қонун ва қарорлари асосида уларга биринчи тарихий хужжат ва манбаълар тарзида ёндашиб, жамиятимиз тараққиётини ҳалқимиз истак ва мақсадларига, ҳукуқий демократик фуқаролик жамияти моҳиятига мувофиқ ҳолда, назарий ва илмий жихатдан асосланиб, таърифлаб яратилса бу фанлар ҳозирги давр талабига мувофиқ бўлар эди. Талабаларнинг ижтимоий-гуманитар фанларга бўлган қизиқишини янада оширад, уларнинг тушуниш қобилиятини тобора кенгайтиришга имконият яратган бўлиб, бу соҳадаги фаолиятини тезлаштиради.

Шу билан бир қаторда талабаларга ижтимоий фанларга бўладиган қизиқишини ортиришга сабаб бўладиган яна бир имконият шундан иборатким, у ҳам бўлса ижтимоий фанлар таркибида ўқитиладиган талабалар қизиқиб ўқийдиган кундалик ижтимоий ҳаётга ва давлатимиз сиёсатига боғлиқ бўлган мавзулардан иборат факультатив ва маҳсус курслардир.

Хозирги кунда республикамизда кўплаб олий ўкув юртларида, шу жумладан Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтида бу курслар ўқитилишиши йўлга кўйилган бўлсада аммо кейинги вактларда маҳсус курслар сабабсиз тўхталиб қўйилган. Жумладан, шу институт «Социология ва

иқтисодий назария» кафедраси қошида «иқтисодиёт» факультети 2 курс талабалариға 1992 йилдан бери «Туркистанда ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихи» 24 соатлик ҳажмида махсус курс ўқитилар эди ва унга талабалар қизиқиши ниҳоятда юқори бўлиб, ихтиёрий равишда рефератлар, мақолалар ёзар, кўплаб илмий маъruzалар қилас, жонли мунозаралар, муҳокамалар қилиб, қизгин тортишувларга сабаб бўлар эди. Афсуски бу имкониятдан номаълум сабабларга кўра 1998 йилдан бери фойдаланган эмаслар. Унинг дастури ва ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва фойдаланилган эди. Шу сабабли бўлса ажаб эмас талабалар қизгин берилиб ўқир эди. Чунки бу махсус курсда Ўзбекистон Ватанимизнинг ўтмишидан (ҳатто «Авесто»дан) то ҳозирги кунгача, яъни мустақиллигимизнинг кейинги йиллардаги ўзгаришларни ҳам ўз ичига олган эди. Унда қисқача жамиятни бошқаришнинг ижтимоий-сиёсий тизими («Социология» ва «Сиёсатшунослик»ка тегишли) иқтисодий жараёнлари («Иқтисодий таълимотлари тарихи» фанига доир), жамиятимиз маънавий, маданий мероси, илму-фан тараққиёти, урфу-одати, диний эътиқоди, дунёвий қарашлари, анъаналари («Фалсафа», «Диншунослик», «Маънавият ва маърифат асослари», «Маданиятшунослик», «Миллий ғоя...», «Ўзбекистон тарихи» ва ҳоказоларга доир) талқин қилиниб, махсус курс сифатида ўқитилар ва бунга талабалар қизиқиб тинглар, муҳокама, мунозара қилас, эди.

Талабаларни ижтимоий фанларга бўлган қизиқишлирини уйғотиш имкониятларидан яна бири, у ҳам бўлса ижтимоий фанлар билан уларга предмет жиҳатидан яқин турдош бўлган ихтисосли-мутахассис фанларни услугубий жиҳатдан боғлаб, назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлаштириб ўтилса яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу ҳакда алоҳида параграф берилган, унда батафсил тўхтатиб ўтилади.

Ижтимоий фанларга бўлган талаби ёшлар қизиқишини оширадиган, тушуниш қобилияти-фаолиятини жадаллаштирадиган бир қатор назарий-услубий имкониятлардан муҳими, у ҳам бўлса ўқитувчи тарбиячининг билим ва малакавий савиясининг мукаммаллигидир. Энг аввало ижтимоий фанлардан дарс берувчи ўқитувчи ўз предметини мукаммал билиши, илмий, назарий жиҳатдан ҳозирги замон талаблар даражасида тайёрланган бўлиши, услугубий ва услугият соҳаларида намунавий малакаларга эга бўлиши, фикрни аниқ изоҳлай олиши, тиниқ, равон ва тушунарли тилда сўзлаша олиши, энг муҳими талабалар қалбидан ақлли ва мустаҳкам ўрин олабилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Акс ҳолда ундан хечқандай ижобий натижа кутиши мумкин эмас ва ижтимоий фаларнинг талабалар кўз олдида ролини ерга уриши ва қизиқишини уйғотиш ўрнига лоқайдликни вужудга келтириш ҳеч гап эмас. Ҳатто айрим педагоглар даромад орқасидан қувиб 2,5 ва 3 штатларда, турли жойларда, ҳатто колледж, лицей, мактабларда ўз иш жойидан «институтдан ташқари») ишламоқдалар. Ундей педагоглардан қандай сифатли дарс ўтишни кутиш мумкин? Агарда ўқитувчи ўзи ўқитадиган предметдан етарлича илмий, назарий, амалий ва услугубий билим, малакага эга бўлса, талабаларни ижтимоий фанларга, дастлаб ўзи ўқитадиган, дарс берадиган предметга қизиқишини ошириши, бу предметнинг жамият тараққиётидаги ролини тушунтира олиши мумкин, бу эса ижтимоий фан ўқитувчисининг катта ютуғидир. Шунинг учун ҳам ижтимоий фан ўқитувчиси доимо узлуксиз ўз устида ишлаши, билим диофазонини кенгайтириши, талабаларнинг ҳар қандай сўровига (чунки

талабалар ҳаётнинг ҳамма соҳасига, жамиятнинг ҳар бир лаҳзасига қизиқувчан бўлиб, уларни билишини истайди ва шу сабабли қўплаб савол беришга ҳаракат килади, бу ҳолатни ҳар бир педагог билмоғи зарур), тўғри, аниқ, тушунарли ва мазмунли қилиб жавоб беришига тайёр бўлмоғи зарур. Бунинг учун ижтимоий фан ўқитувчиси-педагок кўп ўқимоғи, ўз устида узлуксиз ишламоғи шарт.

Талабаларнинг ижтимоий фанларга бўлган қизиқишини оширадиган асосий омиллардан энг муҳими, у ҳам бўса ҳар бир ижтимоий фан предметининг жамият тараққиётидаги ролини, дарс бериш жараёнида, уларнинг қизиқиши ва интилишини тезлаштирадиган услублардан фойдаланиш, маҳоратининг зарурлигига боғлиқ эканлигини таъкидламоқ керак. Бу ҳақда айрим ижтимоий фан предметлари мисолида услубий ҳолатларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Жумладан, ижтимоий фанларидан бири «Маънавият ва маърифат асослари» предметини олиб кўрайлик. Дастраслаб бу фаннинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни келажакда инсонли, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдаги ролдини кенг ва чуқур тушунтириб, талабаларнинг бу фанга бўлган қизиқишини оширишга ҳаракат қилиш керак. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, яъни ҳар бир ижтимоий фаннинг жамият тараққиётида ва ёшларни юксак маънавий руҳда тарбиялашда ўзига хос ўрни мавжуддир.

«Маънавият ва маърифат асослари» предметининг жамиятимиздаги аҳамияти шундан иборатки, президентимиз 1992 йилдаёқ «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир» -деб таъкидлаши ва давом этиб «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат жамиятининг энг муҳим вазифасидир» деб ўқтириши¹, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бошқа барча ишларда унга эътибор бериши ва уни давлат сиёсати даражасига кўтарилишига олиб келганлигини талабаларга ўқтироғи зарур. Шу мақсадда И.А. Каримов ташаббуси билан 1994 йил 23 апрелда республикада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Марказини тузиш түғрисидаги, 1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомилаштириш ва самарадорлиги ошириш тўғрисида»ги фармонлари, 1998 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Маънавий ва маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» маҳсус қарор қабул қилинганлиги, бу фаннинг шу мақсадда жамият ривожидаги роли катта эканлигидан далолат бергувчи омиллар эканлигини талабаларга тушунтироғи зарур. Бу ҳолат талабаларда ушбу предметга нисбатан муносабатда, албатта хушёрликка ундейди, фанга бўлган қизиқиш учун шароит яратади. Ундан кейин «маънавият ва маърифат асослари» предметининг шахс камолотини вояга етказишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини талабаларга тушунтиришда Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг 1997 йилдан бошлаб барча олий ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат асослари» маҳсус курсини ўқитиши тўғрисидаги қарорини таърифлаб таълим ва тарбия соҳасидаги ролининг нақадар долзарблигини таъкидламоғи зарур. Унда албатта президент И.А.Каримовнинг

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг оғз истиҳола тарафшиёт йөсли». Т: «Ўзбекистон», 1992, 72-73-бетлар

«Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли асарида келтирилган «Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат»¹ эканлигини таърифлаб, талабаларга унинг моҳиятини ва мазмунини тўлиқ тушунтирумок зарур. Унда: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - инсонни руҳий покланиш ва юксалишига даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасининг, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини ўйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман»²- деган фикрининг нақадар долзарб юксак моҳиятга эга эканлигини тушунтириб бериш зарур. Ҳақиқатдан хар бир инсонда, асосан ёшларда маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбида бузғунчилик, жаҳиллик, ёвуздлик, ялқовлик, пасткашлик, нодонлик, худбинлик каби салбий оқибатлар юз бермайди, унинг ўрнини ёшларимиз онгига яратувчанлик, бунёдкорлик, ижодий-руҳий кўтаринкилик, ватанпарварлик, инсонийлик хислатий туйгулари кенг ўрин олиб, комил инсонийлик каби юксак даражага қўтарилиб, ҳалқимизнинг қудратли маънавий бойлигига айланишини, жонли мисоллар билан тушунтирумок керак. Демак, хозирги куннинг долзарб вазифаси ёшларимиз онгига маънавиятимизнинг замонавий намуналарини синдирумок зарурдир. Бунинг учун ёшларимизга, айниқса талабаларга маънавиятимизни чуқур ўргатишдик мураккаб ва шарафли вазифа мавжуддир. Шу сабабли ушбу фанни талабаларга ўргатишнинг самарали замонавий услугиятларидан фойдаланмоқ, уларда бу фанга дастлаб қизиқиши, кейин эса тушуниш қобилиятини жонлантириш, билиш фаолиятини жадаллаштириш зарур. Бу вазифани бажариш учун бир қатор самарали услублардан, дастлаб ёшларни мустақил яшаш, хаёт кечириш, фикрлаш, меҳнатсевар ва мулоҳаза қилиб хulosha чиқаришга, билиш тафаккури – фаолиятига кучли таъсир этадиган жонли, қизиқтирувчи мисоллар билан тарбия бериш услуг ва услугиятлардан фойдаланмоқ керак. Бундай жонли, ёшлар руҳига кучли таъсир этадиган мисоллар «Маънавият ва маърифат асослари» предметидан кўплаб, ҳар бир мавзуидан мисоллар келтириш, ҳатто бошқа турдош предметлар билан ҳам боғлаб, ўринли мисоллар келтириб ўрганилаётган материалларни жамиятимизнинг келажак ривожи учун нақадар долзарблиги хусусида замон билан боғлаш услубидан фойдаланишимиз мумкин.

Жумладан, «Маънавият ва маърифат асослари» предметининг биринчи қисмига боғлиқ «маънавият ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни» мавзуидан талабаларга маъруза ёки семинар машғулотларини ўтаётган вақтида, уларни фанга ёки ушбу мавзуга қизиқишини уйғотиш мақсадида ўқитувчи бир қатор замонавий-зарурий услублардан фойдаланиши мумкин. Масалан, ўқитувчи мавзуга ўтиш учун кириш сўзи ўрнида «маънавият» сўзининг моҳиятини тушунтириш жараёнида мамлакатимиз зиёлилари томонидан турли хил таъриф берилаётганини, ҳатто «маънавият» сўзи собиқ Совет тизими даврида ўрганиш, билиш ўёқда турсин, бу сўз тилга олинмаслиги, муҳокама қилинмаслигини эълон қилинишлик ўзи талабаларда нафақат қизиқиши, балки билишнинг фаол ҳаракатига сабаб бўлади. Шу ўринда талабаларга «маънавият» тушунчасини таърифлаб бериш жараёнида «Иқтисодий ғоялар», «Сиёсий ғоялар», «Социал

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т: «Ўзбекистон», 1999, 17-бет

² Ҷеши жойда

ғоялар» ва уларнинг вужудга келиши, шаклланиши билан боғлаб, уларнинг юксак маънавиятимизнинг шаклланишида ниҳоятда катта роли борлигини эслатиш билан, ўқитувчи бевосита талабаларда бошқа ижтиомий фанларга ҳам бўлган қизиқишини ортириши табиийдир. Чунки, маънавият тушунчасини бошқа ижтиомий фанлар шаклланиши жараёнидаги вужудга келган ғоявий тушунчалар билан узвий боғлиқликда эканлиги, улар шаклланиб вужудга келишини тушунтириш билан боғлаб таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

«Маънавият» тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, инсон фаолиятининг барча соҳаларини, уларнинг кўзга кўринадиган ва ташланувчан зоҳирий ва яширин, ички ботиний-рухий томон ва лаҳзаларини қамраб олганлиги билан боғлиқдир. Кишиларда вужудга келадиган ҳар бир ғоя инсон тафаккурида шаклланиб, унинг маҳсули бўлур экан, у ижтиомий характерга эга бўлиши, инсонлар яшайдиган жамият хаётига маъно-мазмун бахш этиши, уларни ўз мақсадларини амалга оширишга етаклайдиган фикрлар мажмуасига айланиши билан характерланади. Ана шу ботинийликдан зоҳирийликка айланиши жараёнларида кишиларда турли хил ғоялар шаклланади ва ижтиомий характерга эга бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек «Сиёсий ғоялар» сиёчий жараёнга – сиёсатшунослик фанига, «Социал ғоялар» ижтиомий соҳаларга, - «Социология» фанига, «Миллий ғоя» миллатлар тафаккури, онги ижтиомийлик маҳсулига айланиб, миллий мафкурани вужудга келтиришини таъкидлаш зарур ва ҳоказо. Шу тариқа ижтиомий фанларнинг ўзаро боғлиқлигини ишонарли қилиб тушунтирилса талабаларда албатта қизиқиш уйғонади ва бу фанлардан тўлароқ билим олишга ҳаракат фаолияти тезлашади. Бу эса ўқитувчининг талабаларда ижтиомий фанларга, шу жумладан, «Маънавият ва маърифат асослари» фанига бўлган қизиқишини ошириш борасида маъруза ёки семинар машғулотларини бошланишида қўлланиладиган кириш сўзи муносабати илиа фойдаланадиган ва ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлган услубидир. Ўқитувчи томонидан мавзу бўйича қўлланиладиган бу услуг мавзунинг тўлиқ мазмунини ёки қисқача маъносини тушунтириб бериши бу ҳолат бевосита ўқитувчининг ўзига, унинг маҳоратига боғлиқлиги билан характерланади. Иккала ҳолатда ҳам бу услубнинг самарали бўлиши ўқитувчига боғлиқдир. Кўпинча ўқитувчи бу услубдан фойдаланганда бир қатор мавжуд илмий адабиётлардан мавзу бўйича қисман мисол келтириши мумкин. Аммо президент И.А.Каримов асарларини маънвият ва маърифатга доир сўзларини мисол келтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда юқорида тўхталиб ўтган эдик. Бу ўринда президентимизнинг «Хушёрликка даъват» номли асаридаги сўзини талабаларга албатта тушунтирмоқ керак. И.А. Каримов шундай деб ёзади «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳсадоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир»¹- деган сўзининг маъносини, ундан келиб чиқадиган вазифаларни, бу вазифаларни бажаришда албатта ижтиомий фанларнинг ўрни ва аҳамияти катта эканлигини тушунтирмоқ керак.

¹ И.А.Каримов «Хушёрликка даъват» Т: «Ҷаззабистон», 1999, 16-бет.

Демак, ўқитувчи дарсни шу услубда давом эттирад экан «Маънавият» сўзининг таърифини талабаларга аниқ, тушунарли қилиб тушунтироқ зарур. Бунинг учун бу сўз таърифи хозирга қадар ўз мукаммалигини эслатиб ўтиш билан, аввало маънавият инсонни бошқа мавжудодлардан ажратиб турадиган жамият ва табиатнинг юкс ак хислатига эга бўлган фазилатли, салоҳиятли инсоний белгиси эканлигини тушунтириб қўйидагича кенг маъноли таърифини бермоқ керак. Маънавият – инсоннинг ички ва ташқи руҳий тафаккури махсули бўлиб, унинг ўз-ўзини англаши, ақл-заковати, яхшилик ва ёмонлик фаолияти натижалари, иймон-эътиқоди, диди-фаросати, ижтимоий характерга эга бўлган фаолияти натижалари, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий фаолиятларининг ҳалқга, жамиятга манзур мазмундаги тарифини бериб, бу жумлага И.А.Каримовнинг, - «Маънавият – тақдирнинг эхсони эмас. Маънавият инсон қалбida камол топиши учун, у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»,¹ - деган сўзининг маъно ва мазмуни билан бирга таърифламоқ керак. Шуни ҳам таъкидламок зарурки, ушбу жумлани талабаларга тушунтириб таърифлаш жараёнида маъруза ва семинар машғулоти дарсларида, вақт нуқтаи-назаридан олганда имконият бир хил бўлмаганлиги сабабини эътиборга олмоқ зарурдир. Уларда фанга, мавзуга нисбатан қизиқиш ўйғотиш услугбий муаммоси бир хил бўлмай маърузада имконият тор бўлиб, амалий машғулот дарсида эса кенг имкониятга эга бўлганлиги сабабини ўқитувчи билиб, уни эътиборга олиши зарур. «Маънавият» сўзи таърифини ҳар бир талабадан сўраш имкониятига кўпроқ семинарда эга бўлади. Группадаги ҳар бир талаба ушбу сўз моҳиятини аниқ, равон айтиб, тушунтириб бериш маъсулиятини сезиб, билиш қобилиятини фаоллаштиришга ҳаракат қиласи.

Семинар машғулоти дарсларида ўтиладиган мавзу бўйича тузилган ҳар бир саволга группадаги ҳамма талаба жавоб бериши, мунозара ва муҳокамада фаол иштирок этиши зарурлиги малакавий маъсулиятини билдиromoқ, ҳамма дарсларда ҳам ана шундай талабли услуг такрорланиши шарт эканлигини ўқитувчи ўз предметининг биринчи машғулот дарсиданоқ талабаларни ўргатмоқ, уларни унга мослаштироқ зарур. Агарда ушбу услугият асосида дарс ўтиб борилса, талабаларнинг ижтимоий фанларга, улардаги ҳар бир мавзуга қизиқиш ортиб боради. Бу услуг тажрибада Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти собиқ «Социология ва иқтисодий назария» кафедраси фаолиятида, маъруза ва семинар машғулотлари дарслари ўтиши жараёнида синаб кўрилган, ҳар бир дарс мобайнида талабаларнинг фанга, мавзуларга қизиқиши ортиб боришига кафедрадаги ҳамма ўқитувчилар гувоҳ бўлганлар.

Ҳар бир ижтимоий фан ўқитувчиси, шу жумладан «Маънавият ва маърифат асослари» предметидан маъруза ва семинар машғулотлари дарсини ўтадиган педагог-тарбиячи талабаларда фанга, мавзуларга бўлган қизиқишини оширишнинг асоси – дарс мақсади ва вазифаси қилиб олар экан, бутун дарс жараёнида, мавзу бўйича қўйилган ҳар бир саволни муҳокама қилиш жараёнида узлуксиз ҳаракат қилиши, қизиқарли мисоллар келтириши, жонли иборалар билан дарсни сермазмунли қилиб ўтказиши шарт. Худди шундай тартибда талабаларнинг дарсга, фанга, ўтиладиган мавзуларга бўлган қизиқишини ошириш

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистон: Миллий истиљол, иўтисод, сиёsat, мафкура». Т: «Ўзбекистон», 1993, 79-бет.

услубини нафақат «Маънавият ва маърифат асослари» предметидан, балки ҳамма ижтимоий фанларда қўлланиши мумкин.

Юқорида ифода этилганлардан ташқари ижтимоий фанлардан дарс берувчи педагог талабаларнинг фанга, ўтиладиган маъруза, айниқса семинар дарс машғулотларида мавзуларга қизиқишини уйғотиш, фикрлаш, мулоҳаза қилиб билимга бўлган ҳаракатини янада тезлаштириш мақсадида дарс сифатида ўтилаётган мавзуларда аниқ ва айнан жавоби берилмаган, келтирилмаган, кўрсатилмаган мантиқий-саволлар бериб, тўғри жавоблар кутиш, талаб қилиш услубидан ҳам фойдаланиш, яхши натижалар бериши мумкин. Жумладан, яна «Маънавият ва маърифат асослари» фанидан юқорида келтирилган мавзу бўйича талабаларга қуйидаги мантиқий ўйлантириш, фикрлаш саволларини ўргага ташлаш мумкин. Масалан, «Қани тушунтириб берингчи маънавиятсиз жамият» ёки «Жамиятсиз маънавият бўлиши мумкинми? исботлаб беринг». «Инсонлар фаолиятисиз маънавият мавжудми? «Маънавиятсиз маърифат» ёки «Маърифатсиз маънавият мавдужми?», «Объектив ёки субъектив зарурят нима?» ва улар маънавиятда қайси қонуниятга киради? каби мантиқий саволлар бериб талабаларни ушбу саволлар устида ўйлаш, фикрлаш, мулоҳаза қилишга, агар семинар дарсида бўлса группадаги ҳар бир талабадан ушбу саволлар бўйича ўз фикрларини сўраб билиши ва яқунлаб тўғри жавобни аниқлаш услуби яхши натижаларни беради. Бу услубдан бошқа ижтимоий фанларда, жумладан, «Сиёсанунослик» фанидан «Жамиятнинг сиёсий системаси ва сиёсий ҳокимият» мавзуидан қуйидагича мантиқий-саволларни бериб талабаларни ўйлантириб, фикрлаб ва мулоҳаза қилишга мажбуран тортиш асосида қизиқтиришни ошириш мумкин. Ҳатто бунга «Социология»дан ҳам мисол келтириб, уларни боғлаш мумкин. Масалан, «Жамиятнинг сиёсий ва социал тизимида қандай ўхшашликлар бор?», ёки «Сиёсий социал тизимларсиз жамият мавжудми, исботланг?», «социал ва сиёсий институтлар таърифи ва боғлиқлигини Ким тушунтириб беради?», «Давлат сиёсий ёки социал тизимсиз мавжудми?», «Ҳокимият ва Давлат ўртасидаги боғлиқлик нимада?» ва ҳоказо.

Ижтимоий фанларга талабалар қизиқишини оширадиган яна бир қатор услублар мавжудким, уларнинг ҳар бирига кўплаб мисоллар фанлардан, ҳаёт ва турмушдан келтириб фанга, мавзуларга боғлаш мумкин. Улардан самаралиси, у ҳам бўлса талабаларни ўзига жалб қилаоладиган турли хил мавзуларда талабалар учун рефератлар, илмий докладлар, мақолалар, мунозарали сұхбатлар, ёзма ишлар, рейтинг саволлар, назорат саволлари, ракурс тест ўйинлари, мазмунли конспектлар мусобақаси, савол-жавоб кечалари, қисқа метражли киноленталарни намойиш этиш, семинар машғулотлари дарсида «оппонентлик услуби» каби кўплаб имкониятлардан фойдаланиш мумкин бўлиб, у бевосита педагогнинг таълим-тарбиявий билими ва фаолият-ҳаракатига боғлиқдир.

2. Ижтимоий фанлардан талабаларга дарс ўтишнинг (проблемали) муаммовий услублари ҳакида мулоҳазалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги янги қонун «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да хукуматимизнинг бошқа бир қатор қонун ва фармонларида,

жумладан, 1991 йил 20 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунида, 1993 йил 5 февралда Республика Президентининг «Ўзбекистонда ўқитувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонида ва бошқа бир қатор ҳукумат хужжатларида ҳозирда ва келажакда Ватанимизга содик, фидокор ватанпарварларни, билимдон, рақобатбардош, комил инсонли мутахассис кадрларни тарбиялаб вояга етказиш, «Кадрлар тайёрлашнинг сифати эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириши»¹ зарурлиги вазифаси долзарб қилиб қўйилди. Бу улуқвор вазифани бажаришда замонавий талабларга жавоб берадиган кадрларни тарбиялаб вояга етказиш учун таълим-тарбия жараёнини узлуксиз такомиллаштириш, айниқса ижтимоий фанлардан дарс бериш ва таълим-тарбиянинг ҳозирги давр тараққиёти даражаси талабларида, жаҳон цивилизацияси стандартлари доирасида, унинг янги-янги услубий формаларини излаб топиш, тарбиянинг долзарб муаммоларини таълим-тарбия тизимида уни ижодий қўллашни ҳозирги давр таққоза этмоқда. Шу борада илму-фан, техника тараққиёти натижалари, Интернет тармоқларидан, техника-технология, таълимда техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан, масофавий электрон дарс бериш имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш зарурияти талаб этилмоқда.

Ана шу зарурият талаблар доирасида ёшларни, энг аввало талаба ёшларни тарбиялаб вояга етказишида, улар билим тафаккурини такомиллаштиришда, ғоявий билим беришда ижтимоий фанлар роли каттадир. Чунки, ижтимоий фанларгина таълим-тарбия тизимида ёш авлодга таълим беришда, уларни жамият тараққиёти умумий объектив қонунистларини ўзлаштириб олишда, маънавий-маданиятимиз фазилатларини билишда бунёдкорлик, яратувчанликка ўргатишида, миллий ғоя, миллий истиқлол мағкурамизни, унинг асосий вазифа-мақсадларини тушуниб, турмушга тадбиқ этишда, Ватанга, ота-боболарга садоқатлилик, инсонпарварлик руҳий-ғояларига мувофиқлашган билим малакасини факат ижтимоий фанларгина бераолади, ўргатади, тарбиялайди, вояга етказади, ҳозирги замон талабларига мос, рақобатбардош, комил инсонли баркамол авлодни тарбиялашда сафарбарлик йўлини белгилаб, малакавий қўнікма беради. «Бунинг йўли – одамларимиз, аввалимбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш»²да ижтимоий фанларнинг роли каттадир. Албатта бу мақсадга эришиш учун бажариладиган вазифа енгил эмас. Янги авлодни баркамол инсон этиб тарбиялаш ниҳоятда мураккаб, аммо шарафли ва салоҳиятли, фахрли ишдир.

Ана шундай вазифани бажариш ижтимоий фанлар зиммасига тушган. Ижтимоий фанлардан таълим-тарбия берадиган ҳар қандай мутахассис, педагог-тарбиячи бу вазифани чуқур билиши, уни бажариш йўлларини англаб етишиши, ёшларни ана шу руҳда ва талабда тарбиялаб вояга етказишида самара берадиган ҳар қандай имконият ва услуб, услубиятлардан, тарбиянинг замонавий намуналаридан фойдаланмоқ, узлуксиз билим олиб, ана шу мақсадда узлуксиз

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», Т: «Ўзбекистон», 1999, 38 бет.

² И.А.Каримов «Миллийистиқлол мағкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Т: 2000, 11-бет

изланиб ўзининг малакавий фаолиятини такомил-лаштиришдан ҳар бир тарбиячи педагогнинг долзарб вазифаси бўлиб қолишдан иборатdir.

Ижтимоий фанлардан талабаларга таълим-тарбия беришда замонавий, намунали самара берадиган услублардан бири, у ҳам бўлса проблемали-муаммовий таълим услубидир. Бу услуб маъруза ва семинар машғулотлари дарсларида кенг кўламда қўлланилса, самарали натижалар бериши мумкин. Талабаларга проблемали-муаммовий таълим бериш услуби янгича ташабbus бўлмасдан таълим-тарбия тизимида XX асрнинг 70-90 йиллари давомида олий, ўрта ва маҳсус таълим тизимида қисман бўлсада қўлланилган бўлиб, кейинги йилларда бу услугуб унитила бошлаганлиги маълумдир. Ушбу таълим услубининг моҳияти ва мақсади нимада ва уни қандай ташкил этилиши мумкин. Дастлаб бу услугуб талабаларда ижтимоий фанларга ва ўқитиладиган ҳар бир предмет мавзуига нафақат қизиқиши, билишга интилиши фаолиятини оширади, балки уларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини мустақил билдираолиши, хулосалар қилиши, илмий мақола, маърузалар тайёрлаш, мустақил маъруза қилиш, сўзлаш малакасини ҳам берилиш, ўргатилиши мумкин. Энг муҳими талабаларда умумий ижтимоий қонуниятларни атрофлича амалий жиҳатдан ҳам ўрганишга имкон яратиб беради. Бу эса кутиладиган асосий мақсадлардан биридир. Талабаларга шу мақсадда таълим беришда ўқитувчининг ўзи проблемали таълим услубиятини, қўллаш тартиботини, мавзу моҳиятини, аудиториянинг руҳий ҳолатларини яхши ўзлаштириб олган, намунавий малакали услубга ҳам эга бўлиши керак. Энг муҳими ижтимоий фанларнинг биронтасидан маъруза ёки семинар машғулотлари дарсини ўтаётганда, дарс мавзуни тушунтириш бошлиши билан талабаларда ушбу мавзуга нисбатан ижодий ёндошишга, ҳамманинг (талабаларнинг) дикқат эътиборини жалб этаолиш малакасига эга бўлмоқ керак, яъни мавзунинг назарий қисмини, амалий жиҳатдан хаётга, турмушга тадбиқ этаолишини, ўқитувчи талабалардан билишини, улардан дарс жараёнида сўраши, аниқлик киритиши оқибатида эса ўқитувчи ўзи назарий, амалий жиҳатдан уйғунлаштираолган ҳолатда боғлаб ўргатиш малакасига эга бўлиб устамонлик билан мавзудаги ҳар бир саволни проблемали характерга айлантираолиши керак. Акс ҳолда традицион савол-жавоб дарсига айланиб қолиши ҳеч гап эмас, ундан ҳолатда бу услубдан ҳеч қандай самара қутиши мумкин эмас. Бу услубдан фойдаланадиган бўлинса ҳар бир ижтимоий фан предметининг маъруза ва семинар машғулотлари жараёнида қўллаш мумкин. Чунки бу услубий ижобий прогрессив аҳамиятга эга бўлиши билан анча мураккаб жараён ҳисобланади. Шу сабабли ушбу услубдан ҳамма жамиятшунос педагоглар ўзларининг дарс машғулотларида кўллайбермайди. Бундай ўқитувчилар икки гурухга: биринчи гурухга доир ўқитувчилар ўз ихтисоси бўйича етарли билимга, дарс бериш малакасига эга бўлганлар; иккинчи гурухга доир ўқитувчилар бу соҳада ўз фани бўйича етарли назарий, илмий ва амалий билимга, дарс бериш малакасига эга бўлсада узлуксиз намунавий услублардан фойдаланишда ўз фаолиятини, вақтини, тинмай изланиш фаолиятини «тежашга» ҳаракат қилувчилардир.

Умуман олганда ушбу таълимнинг проблемали ўтиш услуби методологик-услубият жиҳатдан энг самарали, қулай ва оптималь услубий вариантидир. Бу ҳолатни мисол тариқасида «Социология» фанидан қуйидаги мавзуда, дастлаб маъруза ва кейин семинар машғулот дарсини ўтиш жараёнида кўриб чиқсан

бўлади. Жумладан, «Социология» предметининг 4-соатлик маъруза ва семинар машғулоти дарси сифатида «Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаёт социологииси» бўлимида «Жамиятнинг социол институтлари: никоҳ, оила, шахс ва турмуш муносабатлари социологияси» мавзуи асосида маъруза ва семинар дарсида қуидагича проблемали дарс ўтиш услубини таҳлил қилишимиз мумкин. Мавзуга доир режани ушбу тарзда, яъни 1) социал институтлар ва уларнинг моҳияти; 2) жамиятда никоҳ ва оила, унинг социал моҳияти; 3) жамиятда шахс ва унинг социал моҳияти; 4) социал жамиятда турмуш муносабатлари тарзида талабаларга эълон қилиниб, унга доир адабиётлар тавсия этилиб юқорида кўрсатилган ҳар бир саволни назарий ва амалий жиҳатдан тушунтирилиб, ҳар бир саволга проблемали масалалар талабалар эътиборига ҳавола қилинади, таянч иборалар, назорат саволлар эълон қилинади. Масалан, маъруза дарсида жамиятда социал институтларнинг социал моҳияти масаласини тушунтирилар экан, маърузачи талабаларга «Қани фикран мулоҳаза қилиб кўрингларчи жамият тараққиётида социал институтларнинг қайси тармоқлари ҳал қилувчи рол ўйнайди?» ёки «Социал институтларнинг жамият ижтимоий тузумидаги ўрни нима билан характерланади», «Социал институтларнинг ижтимоий жамиятда ҳукмон бўлган монархик ва демократик тузумда ўрни, моҳияти ва фарқи нима билан характерланади?» ва ҳоказо тарзида муаммовий мавзунинг назорат тариқасида саволлар берилиб жавобни муҳокама шаклида ва ёзма (топшириқ тарзида) асосда режалар тузиб жавоб бериш талаб қилинади. Ёки нима учун жамиятда оилани социал институт турларидан бири деб хисобланади?», нима учун «инсон», «шахс», «одам» дейилади, моҳияти нимада? ёки «оила нима сабабдан жамият бошланғич ячейкаси дейилади?». Бу саволларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан талабалардан ёзма жавоб беришни талаб қилиш самаралироқ бўлади. Чунки бунда талабаларда мавзуга ижодий ёндошиш талаб этилади. Бундай муаммовий қўйилган саволли мавзуларни ҳал этиш семинар машғулоти дарсларида қўлланиш имкони каттароқ ва кенгроқ бўлади. Шу сабабли юқорида келтирилган ҳар бир проблемали мавзуни маъруза дарсида илмий-назарий жиҳатдан тасвирлаб, анализ қилиш асосида талабалардан ушбу мавзуларга жавоб беришда маъруза дарсдаги фикрларни айнан такрорланмасдан ижодий ёндошиб дастлабки манбаъларга, хужжатларга, президент И.А.Каримов асарларига ва бошқа қўлланмали адабиётларга таяниш талаб этилади.

Собиқ «Социология ва иктисодий назария» кафедраси педагоглари ушбу муаммовий-проблемали таълим услубидан 1994 йилдан бошлаб, қисман «Социология» предметидан кейинроқ «Маданиятшунослик», сўнгра «Сиёсатшунослик» ва «Иктиносидий назария»си предметларида қўлланиб талабаларга ҳар бир фан бўйича мавзуларидан ижодий тарзда ёзма шаклида фойдаланиб, қўлланилиб келинмоқда ва яхши самарали натижа бермоқда. Айниқса ижтимоий фанлардан талабаларга ижодий мустақил ишлаш учун муаммовий мавзуларда топшириклар бериб маърузалар, мақолалар тайёрлаш, мустақил мунозарали сухбатлар ўтказиш услубидан ҳам узлуксиз фойдаланмоқ зарур. Бу услубда кўпроқ талабаларни реал ҳаётдаги турмушга, жамиятда, ҳалқаро майдонда юз бераётган ҳодиса ва воқеалар жараёнига боғлиқ мавзуларга қаратиб, бу воқеа, ҳодисаларни моҳияти, мазмuni ва характерига таъсир этмайдиган холатда ихчамлаштириш ва соддалаштириш кўринишини (модели –

моделлаштириш деса бўлади) аудиторияда ҳосил қилиш, унга гурухдаги барча талабалар иштирокида бажаришни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу услубда бита фан мавзуда ҳамма ижтимоий фанлар мавзуига доир мисолларни келтириш мумкин. Жумладан, яна «Социология» предметига доир «Социал институтлар: оила, никоҳ, инсон, шахс ва турмуш муносабатлари социологияси» мавзуида оиланинг иқтисодий ҳолатини «Иқтисодиёт назария»си фанига, маънавий-маданий жараёнини, оила аъзоларининг тарбияланганлик даражасини, «Маънавият ва маърифат асослари», «Маданиятшунослик» фанига, оиланинг ижтимоий-сиёсий мавқеини (чунки йирик сиёсий арбоблар ҳам оилада тарбия олади) «сиёсатшунослик» фанларига ва хоказо, боғлаб муаммовий масалаларни содда ва ихчам жонли мисол, мулоҳазаларда, семинар машғулотларда муҳокама қилиб ҳал қилиш мумкин. Бу билан талабаларнинг ижтимоий фанлар бўйича мустақил тадқиқот ишлари олиб боришга ҳам қизиқтиради. Бу ерда албатт талабалар анъанавий ёдлаш эмас, балки ўзи ўқиган фанлардан мустақил фикр юритиш малакасини ҳам олади. Аммо семинар машғулоти жараёнida ўқитувчи пассив бўлиб қолмасдан ҳар бир жонли ҳаётий масала ва мисолни муҳокама мунозара қилиш жараёнida ўз фикр, хulosаларини, талабалар билимини баҳолаш, воситачилик асосида, қизиқтирувчи ролни бажариб актив фаолият кўрсатиши шарт. Демак бу услубда икки томон ҳам, талаба ва ўқитувчи актив бўлиши талаб этилади.

Агарда ана шу асосда узлуксиз ва жонли, ҳаётий мисоллар билан илмий, назарий жараён билан боғланиб олиб борилса дарс ўтишнинг анъанавий услубдан замонавий дидактик асосида ноанъанавий моделлашган услубда талабаларга таълим-тарбия берилса, ёшларни жаҳон стандартлари, талаблари даражасида рақобатбардош, билимдон, ўз ватанига содик, ўзига, ўзгаларга ҳурматли ва талабчан, мустақил фикр юрита оладиган, мустақил фаолият кўрсата оладиган тадбиркор, ижодкор шахсни вояга етказишимиз мумкин.

Бу услубда дарс ўтиладиган бўлса, машғулот жараёнida ўқитувчи талабалар диққатини яна энг муҳим масалага, яъни талабаларнинг ўқитувчи маъruzадан ва мустақил ишлаш вақтида мавзуга доир манба ва адабиётлардан олган конспектларига ҳамманинг эътиборини қаратиб, мавзунинг моҳиятини, муаммовий томонини, ҳаётдаги аҳамиятини, назарий ва амалий соҳаларини конспектда қандай ёритганлиги масаласини ҳам муҳокама, мунозара қилиб, уни баҳолаб, ўқитувчи яна ўзининг талабаларни қизиқтирувчи, талабчанлик ролини намоён этиш керак.

Талабаларга проблемали-муаммовий дарс ўтишнинг замонавий услубалридан яна бири у ҳам бўлса ҳар бир предмет мавзуини Республикализ ҳаёти билан боғлаб, талабаларнинг шахсий ижодий хuloscha чиқаришга ўргатишидир. Жумладан, талабаларга семинар дарсида қуйидаги ўйлантирадиган қизиқарли муаммовий савол ташланади. Масалан, «Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритгандан кейин мамлакатда кам таъминланган оилаларга ижтимоий ҳимоя қилишнинг қандай устувор йўналиш сиёсати олиб борилмоқда» ёки «Республикада мулкчилик формаси (шакли) ўзгариб, мулк ўз эгасига эга бўлди», «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш учун Ўзбекистонда халқаро стандартларга мувофиқ қандай белгилари бор?», «Мамлакатда боқимондалик бекор қилиниш сабаблари», «Ижтимоий ҳимоянинг

ўзбек модели?» ёки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган татанали йиғилишда президент И.А. Каримов ўз маърузасида «Инсон ва унинг хуқуқ ва эркинлиги манфаатлари – олий қадриятдир» дейишидан қандай мақсадларни кўзда тутади» - каби саволлар қўйилиб, уларни тушунтириш моҳияти, мазмунини сўраш ва бу масалаларни кўпроқ қайси ижтимоий-гуманитар фанлари ўрганади, таърифлаб, асослаб беринг?» каби муаммовий саволларни талабалараро мунозара-муҳокамага ташламоқ керак.

Улардан ташқари ижтимоий фанлардан дарсни проблемали-муаммовий ўтиш жараёнида кўргазмали қуроллар, таълимнинг техник воситаларидан, тарқатма-материаллардан-компьютердан. кодоскоп, стендлар, схемалар, плакатлар ва доскалардан фойдаланиш самарали натижалар беради. Бу таълим ёки кўргазмали қурол воситаларининг қайсисини қайси дарсда, қайси мавзуда фойдаланишни дарснинг мақсади ва мазмунига қараб танлаб олдиндан белгилаб олинади ва синфни-аудиторияни жихозлаб тайёрлайди.

Талабаларга ижтимоий фанлардан муаммовий-проблемали қилиб дарс ўтганда атроф-муҳитни юзага келтиришда аудиториянинг зарурӣ кўргазмали қуроллар билан жихозланиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб талабалар фикрлаш қобилиятини тезлаштиришда жонли ва жозибали қилиб қўрсатиш мавжуд воситалар, маълумотлар намунали ролни ўйнайди. Шу сабабли намунали кўрсатмали воситалар, кўргазмали қуроллар, техник асбоб-ускунлар таълим самарадорлигини оширишга талабаларнинг фикрлаш, билиш қобилиятлари жараёнини тезлаштирадиган мисол ва рақамларни солиштириш, таққослаш орқали кучайтириш имконини туғдиради.

Демак, аудиторияни мақсадга мувофиқ жихозлашда нималарга эътибор бериш ва нималарни тайёрлаш зарурлигини билиш талаб этилади. Даствор талабалар дарс машғулотлари олиб бориладиган дарс хонасини – аудитория дид билан таъмирланган бўлиб, тоза, озода бўлиши, яхши оқланган, эшик, дерезалар, бошқа мавжуд мебеллар ҳаво рангли краскалар билан яхшилаб бўялиши, электрдан фойдаланиш учун ризеткалар жойлаштирилиши, стол-стуллар, доскалар кўркам жихозланган бўлиши керак. Ундан ташқари аудитория ёки кабинет дарс ўтиладиган фанларга доир турли хил мавзуларга мисол бўлаоладиган тематик схемалар, плакатлар, графиклар, стендлар, диограммалар, жадваллар, ўн йил ичida республикамиз эришган рақамлар, машҳур олимлар, уламолар, давлат арбоблари портретлари билан ўринли шарқона услубда жихозланиши шарт. Ундан кейин имконига яраша фан мавзуларига доир материалларни доскада кўрсатиб намойиш қилиш, талабалар мулоҳазасига асос бўладиган ҳодиса, воқеаларни, рақамли натижаларни, техник воситалар, яъни проекторлар, кодоскоп, ки ноаппарат, иложи бўлса ўқув телевидениялари, видеомагнитофон, видеофильмлардан (парчалар кўрсатиш мақсадида) ва бошқалар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

3. Ижтимоий фанлардан дарс ўтишнинг мунозарали услубидан фойдаланиш йўллари.

Талабаларнинг ижтимоий фанларга бўлган қизиқишини ва билимга бўлган интилишини оширишда ижтимоий фанларнинг дарс машғулотлари жараёнида

ўтиладиган ҳар бир фан мавзуини ўрганиш жараёнида амалда қўлланиладиган мунозарали услуг яхши йўлга қўйиб узлуксиз фойдаланса яхши натижаларга эришиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агарда ўқитувчи-тарбиячи педагог яхши тайёрланиб, ҳар бир дарс машғулотларини мунозарали қилиб ўтказса мақсадга мувофиқ сифатли натижаларга эришиши мумкин. Ана шундай машғулотларда талабалар юксак кўтаринкилик билан муаммога жиддий кизиқсанлигини, интилиши мунозарада объектив ҳақиқатга ҳар бир талаба жиддий киришиб ҳал қилишга харакат қилинаётганлигини исботлади. Ана шундай услуг Сamarқанд шаҳридаги бирқатор олий ўкув юртларида, шу жумладан Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти собиқ фалсафа ва социология, иқтисодий назарияси кафедраларида мустақиллик йилларида ана шу мунозарали дарс ўтиш услубидан қисман бўсада фойдаланилди ва фойдаланмоқда. Аммо кейинги йилларда бу услуг тобора унитилиб, унинг ўрнига копьютер, тест услублари эгалламоқда. Бу услуг ҳозирги кунда замонавий, техник, технологик воситалардан фойдаланиш жараёни бўлиб, илм олишда техникадан фойдаланиш, Интернет орқали масофовий дарс ўтиш, электрон тармоқлар орқали таълимнинг замонавий қулайликларидан ўз ваҳтида, узлуксиз фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради. Бу таълим-тарбияда, замонавий билим олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо тарбиявий жараёнда, билим олишда ёш талабаларни ижтимоий фанларга қизиқтириш, билим фаолиятини тезлаштириш ва интилишига техник-технологик, электрон услуг ва бошқа ҳолатлар жонли тарбиячи-педагок ролини бажараолмайди, чунки техник-технологик, электрон тармоқлар ҳам инсон меҳнати маҳсулидир, билим даражаси, натижаси оқибатидир. Электрон тармоқ орқали дарс бериш услуби, ижтимоий фанлардан мунозарали, тортишувларга олиб келадиган жонли мулоқот ўринни босаолмайди. Бу услубдан воз кечиш деган хуносадан узоқмиз, ундан ҳам ўринли замонавий ахборотлардан узлуксиз фойдаланиш зарур. Ҳатто ижтимоий мунозарали машғулот ўтиш жараёнида ўз ваҳтида ва лозим бўлган жойда, мисоллар келтирилиб фодаланиши яхши натижалар бериш мумкин. Бу эса ижтимоий фан ўқитувчисининг билим даражасига, замонавий тербиявий услублардан, техника-технология ва электрон тармоқлардан қандай намунавий малакага, улардан фойдаланиш савиясига эга эканлигига боғлиқ. Агарда ижтимоий фан тарбиячи-педагок ушбу билимларга, намунали услуг малакасига эга бўлса, талабаларни ижтимоий фанларга бўлган интилишини янада оширади, тарбия, таълим, билим натижалари янада самаралироқ бўлади.

Умуман олганда машғулотларнинг мунозарали-дискуссияли характеристи қандай ташкил этилади ва нимадан, яъни савол-жавоб ёки рефератив формаси орқали ташкил этиладими? Албатта бу услуг анча мураккаб бўлиб, у ҳам савол-жавоб бу ҳам рефератив шаклий услубда дарс ўтиш асос бўлаолмайди. Бу услуг педагогнинг дарсни ташкил этиш ва уни-дарсни ўтиш маҳоратига боғлиқ. Аслида мунозарали-дискуссиялик дарс ўтиш услубий малакасини талабаларга олий таълимнинг биринчи курсидан бошлаб йилма-йил узлуксиз, босқичма-босқич кенгайтириш, кўникма, малака ошириб ижтимоий фанларнинг узвий бир хил системали тармоғига айлантирилган ҳолда, бир-бирига боғлаб олиб бориш асосида ташкил этмоқ фойдали ва самарали натижалар беради.

Умуман мунозарали-дискуссияли дарс ўтиш услубини «Фалсафа» ва «Ўзбекистон тарихи» предметларидан бошлаб, «Маънавият ва маърифат асослари» фанида давом этказиб, «Иқтисодий назария», «Социология», «Сиёсатшунослик», «Миллий ғоя» ва «Хуқуқшунослик», «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанларидан бир-бири билан боғлаб, педагоглар ўзаро тажриба олмашиб, бу услубнинг фойдали, самарали варианларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш самаралидир. Агарда талабада маълум даражада мунозара юритиш, дискуссия қилишдан малака бўлмаса, назарий, илмий масала ва муаммолардан фикр юритиб, мулоҳаза билдиришда қийинчиликларга учраб қолиши табиийдир. Бу ҳолат эса талабаларда фаоллик аксинча сусайиб кетиши, машғулот натижасиз тугаши мумкин.

Шу билан бир қаторда талабаларда дискуссия-мунозара маданиятига ҳам эътибор бермоқ, ҳар қандай мунозарали муаммоларни муҳокама қилишда ортиқча тортишувларга, қизиқонлик даражасига етадиган харакатга бормай сўз моҳияти даражасидан ташқари чиқмаслик, меъёрий тартиб-интизомда харакат қилиш талаб этилади. Бу жараёнда албатта ўқитувчи-педагок катта роль ўйнаши керак. Педагок ҳар бир талабадан аудиторияда эканлигини ҳис қилиши, қаттиқ интизомга риоя қилишини олдиндан эслатилиши зарур.

Албатта мунозарали дарс машғулоти мунозарага сабаб бўладиган мавзуга доир муаммо дастлаб маъруза дарсида муаммовий характерда назарий жиҳатдан таъриф этиш асосида бошланиб амалий-семинар машғулотларида давом эттирилади.

Мунозарали-дискуссиялик дарс ўтиш услубининг бир-биридан бошқаларини инкор қилишига қисман бўлсада сабаб бўладиган уч хил томони бор. У ҳам бўлса, биринчидан, дискуссия-мунозарали семинар деб аталиб, унда муҳокама қилиниб ўрганиладиган ҳамма саволлар бошдан охиригача бутун машғулот давомида дискуссияли бўлиб, семинарда ҳамма саволларни мунозарага айлантирилиб муҳим ва муҳим бўлмаган муаммовий масалаларни қамраб олиши, муҳим ҳаётий бўлмаган масалалардаги мунозарали муҳокамалар талабаларда салбий таъсир этиши, яъни муҳим ва муҳим бўлмаган муаммоларни ажратишга шубха ҳосил қилиши мумкин. Албатта шу масалага жиддий эътибор бериш педагогга боғлиқдир. Иккинчидан эса дарс машғулотида муҳокама қилиниб ўрганиладиган саволлардан биронтаси муҳим муаммовий савол деб ажратиб олинниб мунозарали-дискуссияли муҳокама қилинсаю бошқа саволлар мунозарасиз ҳал қилинса, талабаларда мавзуга доир масалаларга бир томонлама муносабат уйғатиб, фанга доир энг муҳим муаммоларни, яъни мунозарали саволларни ўрганиш кифоя бўлади, - деган бир яқлама нотўғри фикр пайдо бўлишига сабаб бўлади. Учунчидан, ўқитувчи томонидан танлаб олинган мунозарага манба ва восита бўлаоладиган, ўрганиладиган фан ёки мавзуга доир долзарб ва энг муҳим проблемали мавзу бўлиб, у семинар машғулотида дискуссияга сабаб бўладиган мунозарали машғулотдир. Тажрибадан маълумки, бу услуб талабаларда ижтимоий фанларга нисбатан интилиш ва қизиқиши оширишда оптимал вариант десак мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо бу вариантнинг ҳам ўзига хос ўйланадиган томони борким, эҳтимол мунозарага сабаб бўлиб қоладиган мавзу вахимали ёки тасодифий бўлиб қолмаслиги хиссиётга берилиб кетмаслиги учун дастлаб мунозарага қўйиладиган ҳар бир

мавзуни кафедра йиғилишида кўриб чиқиб, ўзига хос деталларини аниқланиб, ягона фикрга келишиб олингандан кейин талабалар муҳокамасига мунозарали муаммо сифатида кўйилса яхши самарага эга бўлади. Чунки талабалар ҳар қандай долзарб, янги фикр мулоҳазаларни ортиқча тарғибот қилишга ҳиссиётга берилувчан бўлганлиги сабабли масалани ниҳоятда хушёрлик билан, ваҳимага йўл қўйилмасдан мунозарани амалга оширмоқ мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими талабалар муҳокамасига қўйиб мунозарали машғулот ўтказишида долзарб, энг зарур ва муҳим бўлган талабалар фаолияти ва билим, малака олиши зарур бўлган муаммоларга қаратмоқ зарур. Жумладан, ҳозирги давр энг мураккаб ва чигал воқеаларга, оғир ҳалқаро муносабатларга сабаб бўлаётган давр бўлиб, мунозарага олиб келадиган муаммовий мавзуларни иложи борича ҳамма ижтимоий фанларга боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий, илму-фан, техника-технология, интерн, электрон тармоқ воқеаларига боғлиқ масалаларга доир долзарб мавзули-муаммоларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, талабалар қизиқиш ва интилишини ошириши, улар талабаларга мос келиши табиийдир.

Умуман олганда мунозарали машғулотларнинг самарали бўлиши, у ҳам бўлса талабаларнинг ўтиладиган мавзудан етарлича билим олиш натижасига боғлиқ. Бунинг натижали бўлиши дастлаб ўтиладиган мавзу қайси ижтимоий фанга таалуқли бўлишидан қатъий назар, маъруза дарсининг мазмунли, тушунарли бўлиши, маърузачининг билим савияси, дарс ўтиш маҳоратига, ушбу мавзу бўйича талабаларнинг мустақил дарс ўтишини ташкил этилишига, мавзунинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасига, мавзуни конспектлаштириб олиши ва ушбу мавзу юзасидан консультация (маслаҳатли машғулот) ўтилиши натижаларига ва талабалар томонидан манба ва қўшимча тавсия этилган адабиётларни ўзлаштириб олиниши, назарий амалий хуносалар чиқарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кўп жиҳатдан дискуссияли мавзуни олдиндан кафедра томонидан белгиланиб аниқ муддати кўрсатилиши ва ўқитувчининг талабаларни уюштираолишига ҳам боғлиқдир.

Кафедрамизда кузатилган кўп йиллик тажриба шундан далолат берадики, ҳар бир мунозарага сабаб бўладиган ёки мунозарали қилиб ўтказиладиган мавзу олдиндан талабаларни жалб қилган ҳолда мустақил ишлаш, ёки дарсдан кейин консультация ташкил этилиб, яхши тушунтирилса мунозарали қилиб ўтказиладиган мавзу (қайси ижтимоий фан бўлишидан қатъий назар) талабалар томонидан яхши ўзлаштирилса ёки қўшимча мавзу бўйича йўлланмалар берилса, талабалар ўзлари мавзу учун ахборотлар, маълумотлар излашга харакат қилса, унда мунозарали дарс яхши натижа бериб ижтимоий фанларга талабалар қизиқишини тобора оширишга сабаб бўлади. Чунки кафедра орқали ташкил этиладиган мунозарали мавзу бўйича талабалар учун мустақил дарс соатида уюштириладиган консультация, йўлланмали тавсияли қўшимча машғулот вахтида ўқитувчи-педагок албатта мунозарага сабаб бўладиган мавзуга доир долзарб муаммолар ҳақида талабаларга тушунчалар берилса яхши натижалар беради. Албатта бунинг учун педагог-тарбиячидаги юксак малакали катта тажриба ва билим бўлиши талаб этилади. Чунки дарс машғулоти жараённада мунозарали-дискуссия ҳолатини вужудга келтириш билан проблемали муаммовий вазият ҳам юз берадики, бу жараёнда устамонлик билан фойдаланиб дарс машғулотини

бошқариш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мавжуд иккала услубдан ҳам ўринли фойдаланиб ҳаракат қилиш бевосита педагогнинг тажрибасига илмий-билим савияси даражасига, маҳоратига боғлиқдир.

Бу услубнинг афзаллиги шундан иборатки, дастлаб талабалар дарс ўтишнинг бу услубига мослашиб олса, уларда мустақил фикрлашга ва ижтимоий фанларни янада чуқурроқ билишга, инсонийлик, гуманизм ғоясининг ўзларида мустаҳкамроқ ўрнашиб қолишига, янги маълумот ва муаммоларни тахлил қилишда ортиқча ҳиссиятларга берилмай салоҳиятли, сабр-тоқатли бўлишга, объективликка ўрганади. Шу билан бир қаторда ҳар қандай олинган билимлар ҳали нисбий эканлиги, билимнинг чеки йўқлиги, узлуксиз билим олиш зарурлигига, солиштириш, тақкослаш ва кейин тўғри хулоса чиқаришга ўрганади. Энг муҳими хаққоний ва мустақил фикрлашга ўрганиш, ҳар қандай мунозарали, проблемали муаммоларни ҳал қилишда далилларга эътибор бериб, уни анализ қилишга ўрганиш, барча ўзи ўзлаштирган билимлар нисбий бўлиб, уни янада давом этдириш зарурлигини билишга, тафаккурини кенгайтириб мантикий фикрлашга, муаммовий масалаларнинг хаққоний, тўғри ечилишига ишонч, юзакиликка муросасизликда бўлишга, ҳар қандай оғир, мураккаб муаммоларни мунозаравий-объектив асосда ечиш мумкинлигига ишонч туғдиради, бу эса комил инсонийликни, баркамолликни, рақобатбардошликни шакллантиради ва ривожлантиради. Бу эса бевосита талабаларни илмий тадқиқот ишларига қизиқиши үйғатиб бакалавриатдан магистратурага ва аспирантурага ўтишга интилиш малакасини беради. Албатта бунинг учун тинмай ишлаш, меҳнат қилишни талаб этади.

II – БОБ. ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРГА ТАЛАБАЛАР ҚИЗИҚИШИНИ ОШИРИШИННИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ҲАҚИДА.

§ 1. Таълим-тарбияда фикрлаш, хулосалаш
ва хушёрликка ундовчи замонавий услуглар ҳақида
м у л о х а з а л а р

Таълим-тарбия жараёнида талаба ёшларни нафакат фанларга, умуман кундалик хаётнинг ҳамма лаҳзаларида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар, ўзаро муносабатлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларда юз берайтган кундалик долзарб ўзгаришларга нисбатан ҳозирги даврда хушёр бўлиб фикрлаш, хулоса чиқариб онг, тафаккур ила муносабатда бўлишга даъват этувчи турли хил услубий ҳолатлар мавжудким, улардан албатта ўринли, оқилона фойдаланишни давр таққазо этади.

Ҳозирги кунда, айниқса Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейинги йилларда бир қатор Олий ўқув юртларида талabalарга ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс бериши жараёнида, уларнинг фанларга қизиқишини уйготадиган юқорида кўриб таҳлил қилган услублардан ташқари кундалик учрашувларда, ўтказилаётган тадбирларда, йиғилиш ва анжуманларда, телерадио кўрсатув ва эшитдиришларда, сухбат ва давра сухбатларда, консультациялар, диалог-семинарларда кўрик танлов ва иқтидорли талabalар билан ишлашда кўплаб турли хил услубий, ҳолатлардан фойдаланилмоқдаким, улардан албатта дарс машғулотлари жараёнларида ҳам фойдаланиб, талabalарга таълим-тарбия берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки асосий мақсад талabalарга сифатли дарс беришдир. Шу сабабли қуйидаги таҳлил қилинадиган услубий ҳолатлардан фойдаланишни ўқув жараёнига тавсия қилишдан ҳам мақсад талabalарга сифатли, натижали таълим ва тарбия беришдан, келажакда Ватанимизга садоқатли, билимли, комил инсонли кадрлар тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Ушбу услубий ҳолатларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Улардан қуйидаги услубий турлари, яъни «Танқидий фикрлаш», «Деботли услугуб», «Кичик гуруҳларда ишлаш услуби», «Ўз ўрнигни топ» услуби, «Ақлий ҳужум» ёки «Машварат» услуби, «Ажурли appo» («Французча – бир ёқдан, иккинчи ёқقا ўтиши») услуби, «Мунозара» услуби ва бошқа турдаги услублар кейинги вахтларда таълим-тарбия тизимида қўлланилмоқдаким, улар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, «Мунозара», яъни дарс жараёнларини ёки бошқа сухбат, давра сухбатлари, учрашувларни, бирон-бир муҳим муаммо ва масалаларни объектив ҳал этишда мунозарали методдан фойдаланишдир. Бу метод ёрдамида талabalар, ҳатто ўқитувчилар ҳам муҳокама этилаётган мавзуни атрофлича, тўлиқ ўрганишлиги учун мунозара жараёнида кенг муҳокама, мунозара, тортишув асосида муаммога тегишли маълумотларни олишга мувоффақ бўладилар. Ушбу мунозара услуби уни мулоқот ҳам дейилади (айниқса мулоқот телерадиода кўп қўлланилади), ўтказиша қуйидаги ташкилий соҳаларга жиддий эътибор бериш талаб этилади, чунки ушбу услубда бошқа бир қатор методлар, яъни «Ақлий ҳужум», кичик гуруҳга ўхшаш гуруҳлар тузилиб, топшириқлар бериш услублари параллель тарзда қўлланилади. Жумладан, машғулот олиб борувчи (ўқитувчи ёки ташкилотчи) мунозарани бошлашдан олдин мавзу танланиб иштирокчиларга эълон қиласи, кейин ўқитувчи ёки ташкилотчи мунозаранинг «ақлий ҳужум» ёки «машварат» шаклида талabalарга ёки иштирокчиларга тартиб, қоидаларини тушунтиради. Сўнг саволлар эълон қилиниб, ғоя тариқасида – «Ким тез жавоб

беради?» шаклида қисқа ва тез жавоб бериш таклиф қилинади. Аммо ўқитувчи ёки ташкилотчи иштирокчилар томонидан фикр ва мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғри айтилишидан қатъий назар тинглаб билдирилган ҳамма фикрларни ҳисобга олиниб борилади. Бу ҳолда махсус ҳисоб олиб борувчи «бетараф» шахсдан котиб ҳам қўйиш мумкин ёки ўқитувчи, ташкилотчининг ўзи котиблик вазифасини бажариши мумкин. Муҳокамага ҳамма иштирок этиши шарт. Мунозара кескин тус олганда тартиб, қоида бузулиб «чегарадан» чиқишига йўл қўймаслиги керак. Бу ҳақда аввалги параграфларда айтилган, эслатилган эди. Мавзу муҳокамаси мунозара тарзида «кондиция»сига етса, ўқитувчи ёки ташкилотчи мунозарани тўхтатиб танаффус эълон қиласди. Эҳтимол танаффусгача бўлган вақтни «биринчи босқич» деб ҳам аташ мумкин. Танаффусдан кейинги машғулот эҳтимол «иккинчи босқич» деб атаб, мавзуга доир билдирилган фикр, ғояларни якун қилиб ўқитувчи, ташкилотчи томонидан билдирилган фикр, ғояларни тахлил қилиб тўғри жавобларни эълон қиласди. Албатта бу услуб «Машварат» ёки «Ақлий хужум»га ухшаб, ўқитувчи, ташкилотчи муаммо мавзуини эълон қилиб, ўзларини мунозарани тинглаб туриб якунида тўғри фикр, ғояни эълон қилиши «Машварат» услубига ҳам ўхшаб кетади. Бу услубдан фойдаланган хар бир ўқитувчи ёки ташкилотчи гурухни кичик, кичик гурухларга бўлиб, «тараф» - «тараф» шаклида ўтказиш услубига ҳам айлантириб юбориши мумкин. Қандай услубларга айлантириб мавзуни муҳокама қилиш, ушбу мунозарали услубда ҳамма иштирокчи бевосита иштирок этиб ўз фикри ва ғоясини билдиришга ҳаракат қиласди.

Гурух аъзолари орасида бу услубнинг самарали жихати шундаки «пассив» иштирокчи бўлмайди. Фикрлар, ғоялар тўғри, ёки нотўғриларидан қатъий назар ҳамма иштирокчи «фаол» иштирок этиб, ҳақиқий, тўғри фикр ва ғояни ўқитувчи ёки ташкилотчи эълон қиласди ва мунозарали машқулотни якунлайди, иштирокчилар «баҳо»сини-баллини эълон қиласди (албатта 4-баллик тизим асосида).

Хозирги кунда радио ва телевиденияда қўлланилаётган услублардан бири «Объектив мулоқот» (уни кўплар «телешоу» деб атайдилар, бу жумлага мен қўшилмайман) услуби бўлиб, дарс машғулотлари жараёнида ҳам қўлланилса талабаларни фанларга қизиқишини оширишда энг самарали ва зериктирмайдиган, фаолликни оширадиган услублардан бири деб ҳисоблайман.

Бу услубнинг тартиб-қоидаси эса қуйидагича. Бу услубни кўплар «Ўз ўрнингни топ» ҳам дейишади. Яъни мавзунинг мунозарали муҳокамаси давом этаётганда гурух алоҳида икки гурухга бўлинниб олдин нотўғри фикр билдирган талаба ёки иштирокчи, кейин ўз фикрининг нотўғрилигини билиб, тўғри фикр айтган тугухга бориб қўшилади. Шу сабабли талаба ёки иштирокчига «ўз ўрнингни топ» - дейилигининг сабаби шунда бўлса керак. Бу услублар бевосита семинар машғулотларида амалга оширилади.

Бу услуб қуйидагича ташкил этилади. Бу услубни ташкил этишда ўқитувчи ёки ташкилотчи (бошқарувчи ҳам дейилади) машғулот бошланишида, дарснинг кириш қисмида муаммо мавзуси ёки предмет (фанинг) мавзуидаги режада кўрсатилган саволлар эълон қилиниб, уни тўғри ҳал этиш учун турли хил ёндашувлардан фойдаланишга ижозат берилиши, ҳар бир талаба, тингловчи ёки иштирокчи ўз фикрини айтиши, мунозара ёки мулоқот жараёнида ўз хатосини

тузатилиши мумкинлиги ва дарс машғулотлари якунида ўқитувчи, ташкилотчи (бошқарувчи) муаммонинг ким ва кимлар (гурухлар мавжуд бўлса) томонидан тўғри айтилганлиги ёки ҳеч ким тўғри жавоб топаолмаганлигини ҳам айтишни, тўғри жавобни ўзлари (ўқитувчи, ташкилотчи) айтишини машғулот - дарс кириш қисмда эълон қилинади ва кейин эса дарс машғулоти «объектив мuloқot» услуби асосида бошланади. Бу услуг телевиденияда «Қилни қирқ ёриб» мавзуида яхши эшиттириш-кўрсатуви олиб борилади.

Ушбу услуг асосида дарс машғулотлари қуйидагича амалга оширилади. Жумладан, аудитория доскасига иккита муаммо мавзуга жавоби ёзилган плакат осилади ёки доскага ёзилади. Биринчи ёзувдаги жавобга тўғриси ёзилади, иккинчисига эса нотўғри жавоб ёзилади. Талабаларга ўқитувчи ёки бошловчи томонидан «қайси жавоб тўғри» - деб савол ташлайди, ўз фикрини билдирувчи талабалардан «тўғриси»га ҳам «нотўғриси»га ҳам изоҳ, таҳлил талаб этилади.

Шу билан бир қаторда доскада осилган масала-муаммога икки хил (тўғри ва нотўғри) жавоблар бўйича билдирилган фикрларга қарама-қарши (яъни бошқа алоқаси бўлмаган мавзуларга доир) ғоялар ҳам қўйилиши мумкин. Чунки услубда талабалар ёки тингловчиларнинг хушёрганини ҳам эътиборга олиш мақсадида бу услуг қўлланишлиги мумкин.

Шу билан бу услубнинг ўзига хос яна бир хусусияти борки, бунда дарсни ташкил этиш қоидалари, оппонентларнинг фикр, мuloҳазалари, билдирилган ғояларнинг нақадар тўғри ва нотўғрилиги ҳам муҳокама қилиниб, хуроса чиқарилади. Дарс, машғулот охирида ўқитувчи ёки ташкилотчи (бошқарувчи) мuloқot натижаларини якунлаб дарс машғулотининг қанчалик объектив ўтганлигини таъкидлайди, мuloқotга иштирок этиб ўз фикр, мuloҳазаларини билдирганларнинг балл-баҳосини эълон қиласи, мавзунинг, жавобларнинг замонавийлиги, долзарблилиги, турмушга, ҳаётини лаҳзаларга боғланганлиги, давлатимиз сиёсатига, халқаро вазиятга президентимиз И.А.Каримовнинг ёшларга боғлиқ бўлган фикр, мuloҳазаларига боғланганлиги жараёнлари ҳам машғулот якунида қайд этилади. Шу сабабли ушбу «объектив мuloқot» услуби замонавий оригинал услублардан бири бўлиб, бу услубдан ҳамма фанлардан (нафақат ижтимоий фанлар) дарс бергувчи педагогклар фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

§ 2. «Гетроген» ёки кичик гурухларга ажратиб дарс ўтиш услуби ҳақида.

«Гетроген» ёки «кичик гурухлар»га ажратиб дарс машғулотларини ўтказиш услуби ҳам замонавий бўлиб (қисман собиқ Совет даврида ҳам фойдаланган) самарали натижалар беради ва талаба ёки тингловчиларни муҳокама этилиши зарур бўлган муаммо мавзуларига қизиқишини оширади, фикрлаш қобилиятини кенгайтиради ва ҳамма дарс машғулот иштирокчиларининг фаоллиги ва иштирокини тезлаштириб, ҳамма ўз фикр мuloҳазаларини билдиришга ундайди, ҳаракат қиласи. Бу услубни кўпинча «Гетроген» услуби ҳам дейилади. Бунга ўхшаш услуг телекўрсатвларга мактаб ўқитувчилари учун «7x7 – кетди» номли, катталар учун «50x50» телешоу услубий ўсмирлар ва бошлангич синф ўқувчилари учун фойдали бўлган «Зукколар», ёшларнинг «Заковат», «Билимдонлар» номли

кўрсатув-эшиттиришда яхши фойдаланади, ундан ташқари ўсмир-болаларга бағишлиланган «Олтин тож» эшиттирув-кўрсатуви орқали телевиденияда жуда ўринли ва самарали ҳамма ёшларни ҳаяжон ва қизиқтирадиган кўрсатувни ҳар ҳафтада бир марта олиб боради ва яхши натижалар бермоқда. Ана шу мақсадда ушбу услубни ташкил этиш қўйидагича амалга оширилади.

Биринчидан – маълум бир академик гурух, кичик-кичик гуруҳларга, яъни 4-5 кишидан иборат жинси, таланти, қобилиятига қараб (ана шу услубнинг ўзи «Гетроген» деб аталади), ўзлаштириш даражасини ҳисобга олиб, гуруҳларга бўлинади.

Иккинчидан – шаклланган гуруҳлар ичидан талабалар ёки тингловчилар ўртасида вазифалар қобилияти, билими, ташкилотчилик қобилиятига қараб вазифалар, яъни мунозара-мулоқотни бошқарувчи ўқувчи-талаба, иккинчиси ёзиб котиблик қилиш вазифаси, учунчи – назорат қилувчи, тўртинчи – сардорлик вазифасини бажарувчиларга ажратилиб вазифалар берилади.

Учунчидан – мавзуга доир муаммо танланиб уни ўрганиш, бажариш учун қандай бажариш фаолияти белгиланиб олинади.

Тўртинчидан – талабалар ёки тингловчилар ўзи танлаган кичик гуруҳларда иштирок этиш учун мавзу муаммосига боғлиқ билим ва қўникмаларга эга бўлган ижодий фаолият, малакасини эгалланганлиги аниқланади.

Бешинчидан – ўқитувчи, ташкилотчи ёки бошқарувчи томонидан талаба, тингловчи-иштирокчиларга мавзу муаммоси бўйича йўллантирувчи кўрсатмали тушунчалар берилади, аниқ йўл-йўриқлар қўрсатилади. Ҳар бир гурух мавзуга таалуқли хужжатлар ва маълумотлар билан таъминланади, талаба ёки тингловчилар тайёргарлиги текширилиб қўрилади.

Олтинчидан – дарс машғулотлари мавзу бўйича берилган муаммоларни бажаришга киришгандан кейин ўқитувчи, ташкилотчи ёки бошловчи ҳар бир гурух аъзолари ёнига бориб иш жараёнини тўғри ёки нотўғри ишлаётганлигини кузатиб амалий ёрдам беради, камчиликларига йўлланмалар беради.

Еттинчидан – мавзу бўйича муаммолар мунозараси гуруҳлар томонидан тутатилгандан кейин якуний босқичида гуруҳларнинг ахборотлари иш натижалари сифатида гурух сардорлари томонидан хисботлари, иш натижалари эштирилди, фикрлар тўғрилиги асосланади, савол-жавобларга ўрин берилади ва охирида ўқитувчи ёки ташкилотчи «кичик гурух» ёки «гетроген» услуби якунларига баҳо беради, балл қўйилади ва берилган ваҳтда қандай фойдаланганлигини ҳам эшитдиради.

Саккизинчидан – ушбу «кичик» ёки «гетроген» гурухларида талабалар қизиқишини кучайтирадиган яна бир самарали услуб борки, унда ўқитувчи ёки ташкилотчи талаба ёки иштирокчи-tinglovchilarга мавзу бир хил таснифли хилма-хил бўлган топшириклар берилиб иштирокчилар билими аниқланиб балл қўйиб баҳоланади.

§ 3. «Бахслашув» ёки «Дебот» услуби ҳақида.

«Бахслашув» ёки «Дебот» услуби ҳам ҳозирги кунда кенг кўламда нафақат таълим-тарбия тизимида, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фойдаланилиб қўлланилмоқда. Бу услуб олий ва ўрта маҳсус таълими

тизимида, халқ таълимига қарашли юқори синф ўқувчилари учун жуда кўл келади. Чунки бу услугуб билан дарс машғулотлари олиниб борилганда талаба ва ўқувчилар дарсда-ўтиладиган мавзуга доир муаммолар ечимини топишда бошқа тингловчиларга нисбат ўзларининг тўғри, аниқ ва мантиқий ёндашиб баён этиб жавоб берадиганлигига ишонтиришга, бунинг учун эса ишонарли, тўғри ва аниқ далилий фикрлар ва хуносалар чиқаришга ҳаракат қилинади, иштирокчилар эса бу (дебот усули деб аталади) услубдан яхши самарали кўникма олади, ўқувчи, талабаларда нафақат шахсий фикрни балки ижтимоий фикр ва ғояларни ўйлашга, ишонч туйғуларни ривожлантиришга йўл очади, ёшлар тафаккурини, онгини кенгайтиришга имконият яратади. Лекин талаба-ўқувчилар ўзларининг «Бахслашув» («Дебот») жараёнида олдига қўйган мақсадга эришиши учун аввало қандай натижаларга эришиш кераклиги, қандай тушунчаларга эга бўлишлиги, унинг қандай самаралари бўлишлигига ишонч ҳосил қилгандагина ушбу услубдан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун қуидаги тартиб-қоида ва талабаларга қатъий риоя қилиниши шарт. Улар қуидагилардан иборат:

Биринчидан – «Бахслашув» («Дебот») услубини яхши ташкил этиб, аудиториялар керакли воситалар билан тўла таъмин этилиб, дид билан жихозланиши ва академик гурух аъзолари иккига-бири ўқитувчи-педагокнинг ўнг томонига, иккинчиси чоп томонига (албатта бу гурухчалар бахслашув вақтида бир-бирига қарама-қарши фикрларда бўлишга ҳаракат қилиши керак) жойлашади.

Иккинчидан – ўқитувчи-педагок муҳокама-бахслашув мавзуи номини ва муаммоларнинг иккала вариантини, яъни «тўғри» ёки «нотўғри»лигини ва бахслашувчилар учун (сўзга чиқувчилар учун) вахтни белгилаб эълон қиласди. Вахтдан фойдаланиш қатъий қилиб қўйилади.

Учунчидан – бахслашув бошланганлиги эълон қилиниб, ўқитувчи-педагок «тўғри» вариант тарафдолари вакилига сўз беради ва бошқа сўзга чиқувчиларга тартиб билан сўзга чиқишига, фикрларини аргументли далиллар билан исботлаш талаб қилинади. Махсус маъсул котиб (олдин тайнинланади, ўқитувчилардан бири) вахтни хисобга олиб бориш талаб этилади, натижа хисобга олиб борилади.

Тўртинчидан – ўқитувчи «тўғри» вариант гурухи вахти тугаши билан «нотўғри» вариант гурухига вахт бериб, улардан бирига сўз беради ва аргументли далиллар билан асослаш талаб этилади, ўз вахтидан ўринли фойдаланиш талаб этилади.

Бешинчидан – ўқитувчи-педагок иккала гурух вакиллари фикр, мулохазаларини навбатма-навбат тартиб билан муҳокама қилиш асосида бахслашув бошлашга ижозат беради «Дебот» бошланганини эълон қиласди. Ҳар иккала гурухнинг биринчи сўз олиб «маъруза» қилувчиларидан кейин сўзга, музокарага, масала талашишга навбат билан иккала гурух аъзолари бирин-кетин ҳамма талаба-иштирокчилар чиқиш қилиб муаммонинг ечимини аргументли-асосли қилиб тушунтиришга киришади. Чунки иккала гурух аъзолари масала, мавзу, муаммога қайсиларини «тўғри» ёки «нотўғри»лигини ўқитувчи-педагокдан бошқа ҳеч ким билмайди ва билмаслиги керак, акс ҳолда ҳеч қандай жонли, қизиқарли «бахслашув» («дебот») бўлмайди ва натижасиз чиқади. Шунинг учун ўқитувчи-педагок «дебот» охиригача кузатувчи бўлиб, якунида «тўғри» жавобни айтиб «бахслашув»-талашув – «дебот»га якун ясайди.

Олтинчидан – ҳар бир гурух аъзолари, қарама-қарши томонларнинг фикри-хулосаларига келтирилган далилларига қарши инкор этадиган танкидларига асосли жавоб қайтаришига имкон яратилади. Аммо қизикқонли қилинишига «ҳақорат» қилинишига йўл қўйилмайди.

Еттинчидан – ўқитувчи-педагок ҳар иккала гурух томонларидан билдирилган асосий жавобларни албатта хисобга олиб бориши, ҳатто ёзиб бориши охирги, якунида эълон қилиши шарт.

Саккизинчидан – бахслашув жараёнида талабалар – иштирокчиларга муаммога зид фикрларни айтиши хам мумкин, уни рад қилмаслиги керак, иштирокчиларнинг ўзлари нотўғри эканлигини исботлашга имкон бериш керак. Чунки ҳамма талаба-иштирокчиларни ўйлаб фикрлашга мажбур этсин ва ҳар бир иштирокчини ҳаяжон билан хайратда қолиш даражасигача олиб борилиши керак. Бу эса ушбу услубнинг энг муҳим самарали қисмидир.

Тўққизинчидан – «Бахслашув» («Дебот») якунланади, натижа ўқитувчи, ташкилотчи, бошловчи томонидан эълон қилиниб, бахснинг самарали бўлганлиги ёки акси бўлганлиги, мақсадга мувофиқ бўлса, бахслашувда иштирок этганларни ҳаммасининг фикр, ғояларига тахлил бериб, фанни ўрганишда мавзуга доир муаммоларни бахслашув асосида тўғри жавобларни аниқлашда ушбу услубнинг аҳамияти ва имконияти чексиз эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ушбу услубни бирон-бир муаммони муҳокама қилиб, тўғри жавобни аниқ объектив ҳал қилишда фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ушбу «Бахслашув» («Дебот») услубига яқин, мувофиқ келадиган, имкони бўлса бирга қўшиб фан мавзулари ёки бошқа ижтимоий хаёт жараёнларига боғлиқ мавзуларга доир масала ва муаммоларни муҳокама қилишда «танқидий фикрлаш» услуг ҳам яхши самара беради. Бу услубдан ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ҳамма дарсларида қўлласа мақсадга мувофиқ бўлади.

§ 4. «Танқидий фикрлаш» ва бошқа услублар ҳақида.

«Танқидий фикрлаш» услуби ҳам «Бахслашув» («Дебот») усулига ўхшаб кетсада, ушбу услуг билан талаба ва тингловчилар ўртасида дарс-машғулотлари ёки бирон муаммовий масалаларни муҳокама қилиш жараёнида фарқи шундаки, бу услуг талаба ва тингловчи, иштирокчиларни мустақил фикрлашга кўнима берсада, уларни тинглаш мулоқот олиб бориш, турли хил фикр, мулоҳаза ва ғояларни таққослаб, хulosса чиқариб, нотўғри фикр, мулоҳазаларни турли позицияларда туриб шахсига тегмай танқид қилиш ёки мақуллаш имкониятига кенг йўл берилади. Албатта бу соҳада ўқитувчининг назорат олиб бориши талаб этилади. Энг муҳими талаба ва тингловчида муҳокама қилаётган мавзу қайси фанга таалуқли бўлса уша фанга қизиқиш уйғатади, мустақил фикрлаш ва хulosса чиқариш учун талаба онги ва тафаккурини салоҳиятлаштиради, ҳақиқатгўйлик, объективлик ва адолатликка кўнимани шакллантиради.

Ушбу «танқидий фикрлаш» услубининг самарали бўлиши учун, уни ташкил қилиш жараёнида қуйидаги оддий, аммо адолатли, объектив норматив

ҳолатларга қатъий риоя қилиш шарти талаб этилади. Улар қуидагилардан иборат:

- 1). Талаба ёки тингловчининг ўз фикрини эркин ифодалашига имкон бериш;
- 2). Талаба ва тингловчи ўз фикрини ойдинлаштириб, аниқ қилиб айтишга;
- 3). Талаба ёки иштирокчиларнинг фикрларини қанчалик асосли эканлигини текшириб аниқлаш;
- 4). Мунозарада иштирок этаётганларни, ҳамма талаба ёки тингловчиларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини ўрганиш;
- 5). Танқидий мулоҳазалар билдирувчи ёки умуман иштирокчиларнинг фикрлари оқибатини, ҳатто уларнинг савиясини ҳам тахлил этиш;
- 6). Мавзу муаммоларини ўқитувчи-педагок, ташкилотчи, бошқарувчи томонидан якунлаб, маълум қатъий ечим, қарор билан ижобий ажралиб турганларга яхши фикрлар, билдириш талаб этилади. Ундан ташқари талабалар ва иштирокчиларнинг ушбу машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ўз фикрларини билдиришни сўрайди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда кундалик таълим-тарбия системасида талаба-ёшларга билим бериш, ижтимоий-гуманитар фанларга талабалар қизиқишини ошириш, фикрлаш қобилиятини кенгайтириш, онги, тафаккурини, фалсафий фикр, хулосалар чиқариш фаолиятини кенгайтиришга қаратилган турли хил таълим-тарбия бериш усул ва услублари қўлланилмоқдаким, уларнинг ҳаммасини ҳам самарали натижалар беради деб хулоса қилиш мақсадга мувофиқ харакатлар деб бўлмайди.

Биз юқорида талабалар самарали билим ва тарбия, кўникма бераоладиган, фанларга қизиқишини оширишга имконият яратиб, йўл кўрсатилаоладиган, фикрлаш қобилияти, онг ва тафаккурини кенгайтиришга ёрдам бераоладиган, кутилган натижалар ва мақсадларга эришадиган, замонавий талабларга мувофиқ келиб, кўпроқ таълим-тарбия системасида фойдаланаётган услуб-услубиятлар устида қисман тўхталиб ўз фикр мулоҳазаларимизни баён қилдик.

Энг мухими, қанақа услуб-услубиятлардан фойдаланиб ижтимоий, умуман ҳамма фанлар бўйича талабалар қизиқишини ошириш, фикрлаш қобилиятини кенгайтиришга харакат қилиниб бу услубий амаллардан фойдаланмасин, энг мухими ўқитувчи-педагог маҳорати, билим савияси, онг, тафаккур даражасига ва асосан талабанинг ўзига қизиқишига боғлиқлигини унутмаслигимиз шарт.

III – БОБ. ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР БИЛАН ТУРДОШ ИХТИСОСЛИ ФАНЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИБ ЎТИШ УСЛУБИ ҲАҚИДА.

§ 1. Ихтисосли турдош ва ижтимоий фанларни уйғунлаштириб ўтишнинг афзалликлари.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон республика бўлиб, мустақилликга эришгандан кейин таълим ва тарбия тизимлари олдида олийжаноб, мухим ва мураккаб вазифани, яъни ёшларни рақобатбардош ва маънавий баркамол комил инсон қилиб тарбиялаб вояга етказишини долзарб вазифа қилиб қўйди. Бу вазифани

бажаришда нафақат ўрта махсус таълими, балки асосан олий таълим даргоҳлари ва уларда ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар билан бир қаторда асосий ва ихтисосли фанларни хозирги давр талаблари даражасида ўзаро боғлаб, уйғунлаштираолиб ўқитиш долзарб вазифалардан биридир ва энг муҳим аҳамиятга эгадир. Бу фанлар дастлаб мавжуд жамиятимиз талабларига жавоб береношлиги долзарб аҳамиятга моликлиги, бунинг учун ҳар бир ўқиладиган фан-предмет назарий, илмий, илмий-услубий, методик, методологик асосларга, фанлараро ўқитишнинг уйғунлаштирилган ҳолда боғлаб ўқитиш методологик кўрсатмали йўналишларга эга бўлган, аниқ зарурый информацион маълумотларга бой, меросий, замонавий, амалий мисолларга боғлиқ ўқитилиши кўрсатилиб ишлаб чиқилган курслар алоҳида аҳамиятга эгалиги, фанга талабалар қизиқишини оширишда муҳим ва зарурый рол ўйнашини таъкидламоқ зарур.

Шу мақсадда олиб қаралганда мамлакатимизда хамма таълим системасида шу жумладан олий таълим тизимида ўқитиладиган фанлараро боғлаб уйғунлаштириб, хозирги давр талабига мувофиқ ўқитилиши талабга жавоб береноладиган методик кўрсатмавий ўкув қўлланмалари хозирги кунда йўқ десак хато бўлмайди. Айниқса турдош фанларнинг ўзига хам ўзаро уйғунлаштириб ўқитиш у ёқда турсин, хатто ушбу талабларга жавоб береноладиган кўрсатмали ўкув қўлланма ишлаб чиқилмаган десак хато бўлмайди. Мавжуд фанлар бўйича ўкув дарсликларда предметлараро мавзуулар бўйича хам ўзаро боғлаб ўқитиш кўрсатмавий тавсиялар хам етишмайди.

Илмий услубий лойихавий мавзуйимизга асос бўлаётган ижтимоий-гуманитар фанлар ичида «Социология» ва аниқ, мутахассисликка мувофиқ ихтисосли бўлган «Меъморчиликнинг социал асослари» предметларида хам бир-бири билан боғлаб, уйғунлаштириб, ҳар бир мавзуга мувофиқ бўлган амалий муаммолар асосида ўқитилишда фойдаланиб таълим берадиган методологик кўрсатмавий йўналишга эга бўлган ўкув қўлланмалар йўқлиги у ёқда турсин хатто бу камчилик ўкув қўлланма ва дарсликларда хам ўз аксини топмаган. Шуни хам таъкидлаш жоизки, «Социология» предмети бўйича наъмунавий дарсликлар ишлаб чиқилмаган. Бу хато ва камчиликларнинг юз беришида қўйидаги объектив сабабларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, «Социология» фани собиқ Совет даврида ўқитилмади ва у собиқ Совет мавқурасига мувофиқ фан эмас деб ман қилишди. Иккинчидан бу фан собиқ Совет тузуми барбод бўлгандан кейин ташкил топган мустақил давлатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида XX асрнинг 90 йиллари иккинчи ярмидан бошлаб олий ўкув юртларида ўқитила бошлаганлиги сабабли, хали бу фан етарлича тажрибага, амалий-илмий услугга эга бўлмаганлиги сабабли ана шундай қачиликлар хозиргача тугатилган эмас.

Ушбу кўрсатилган факторларга мувофиқ хозирги кунда нафақат Ўзбекистонда балки мустақилликка эришган Хамдўстлик мамлакатларида хам ушбу фанларга илмий, илмий-услубий жихатдан пухта сифатли ишлаб чиқилган предметларга талаб ва эхтиёж каттадир. Ана шу талаб эхтиёжларни қондириш мақсадида ижтимоий гуманитар фанлардан «Социология» предмети билан, аниқ ихтисосли фанлардан «Меъморчиликнинг социал асослари» предметининг бир бирига қисман бўлсада турдош эканлигини эътиборга олган ҳолда, талабаларга ушбу фанлардан чуқурроқ билим бериш мақсадида юқорида мавзуи кўрсатилган

илмий услугий кўрсатмали методологик ўқув қўлланмани ишлаб чиқиши лозим деб топдик.

Ушбу кўрсатмали йўналишга эга бўлган услугий (методологик) ўқув қўлланмани ишлаб чиқиши, тайёрлашдан мақсад юқорида келтирилган, талабаларга билим бериш жараёнида юз берган камчиликни тузатиш, юз берган бўшлиқни қисман бўлсада тўлдиришга харакат қилишдан иборат бўлган вазифани бажаришни ёшларга, талабаларга чуқурроқ билим беришга, бу соҳада қисман бўлсада орттирилган услугий тажрибаларни амалда алмашиб, хозирги кунда маънавий баркамол авлодни, комил инсонни тарбиялаб вояга етказишда ўз хиссаларимизни қўшишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган ва билдирилган мулоҳазалар, фикрлар, ушбу таклиф этилаётган услугий (методологик) кўрсатмали ўқув қўлланманинг илмий-услубий инновацион моҳиятини қисман бўлсада ифодалаб берадиган умиддамиз.

Ушбу услугий қўлланманинг асосий мазмун-моҳиятини ва кўрсатмали услугий (методологик) йўналишларини тахлил қилиб беришдан мақсад қуидаги иккала фандан «Социология» ва «Меъморчиликнинг социал асослари» предметлари мавзулари орқали умумий услугий муаммоларни амалда ёзib ҳал қилинади ва очиб берилади, талабаларга шу асосда дарс беришда уларга тегишли ва фойдали базовий билим берилади ва ихтисосга эга бўлади деб ҳисоблаймиз.

§ 2. «Социология» ва «Меъморчликнинг социал асослари» предметларининг асосий мавзулари ва уларни уйғунлаштириш услугий кўрсатмалари ҳақида

Ушбу бобда «Социология» ва «Меъморчиликнинг социал асослари» предметлари бўйича бир-бирига турдош мавзуларни боғлаб, уйғунлаштириб ўтиш услугига тўхталиб ўтамиз.

1-«Социология» предмети мавзуларига:

1-Мавзу: «Социология фани, унинг предмети, функциялари, категория, қонун ва қонуниятлари, унинг жамиятда тутган ўрни», яъни «Социология» нинг назарий асослари мавзуи бўйича режалар тузилиб, унда 4-та савол қўйилиб, ҳар бир саволига алоҳида-алоҳида илмий ва назарий жиҳатдан таъриф бериллиб, унга амалий мисолларни «Меъморчиликнинг социал асослари» фанидан 1-мавзуидан «Яъни халқимизнинг меъморчилиги тарихий асоалари ва унинг қонун категориялари, фаннинг функциялари, социал асослари», ижтимоий моҳиятини боғлаб тахлил қилиниб, талабаларга аниқ мисол ва маълумотли тафсилотлар берилади. Талабаларга ушбу иккала мавзуга доир конспектлар ёзив келиш вазифаси топширилади.

2-Мавзу: «Социология фанининг вужудга келиши ва унинг ривожланиш тарихий босқичлари» номли мавзуга хам 4 та савол қўйилиб, улар «Меъморчилик социал асослари» фанининг 2-мавзуига, яъни «Меъморчилик шахар қурилиши ва социал категорияларининг ўзаро алоқадорлиги» номли мавзу билан бевосита боғлаб социологиядан умумназарий, меъморчилик шахар қурилишининг социал жиҳатлари билан боғлиқ категорияси ва унинг назарий, илмий асосларини ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда аниқ мисоллар, маълумотлар,

меъморчиликнинг меъросий обидалари билан боғлаб талабаларга тушинтирилади. Жумладан, «Социология» фанининг ривожланиш тарихий босқичларини меъморчилик шахар қурилишининг ўтмиш обидаларини мисоллар тариқасида киритиш жараёнида халқ ижтимоий ахволи, мамлакат иқтисодий-ижтимоий, сиёсий холати билан «Социология» нинг шакилланишида ўзига хос аҳамияти жонли мисоллар билан Ғарб ва Шарқ меъморчилик-шахар қурилишига боғланса талабаларда катта қизиқиш ўйғотиш табиидир. Албатта бу мисоллар маъруза матнларида ўзаксини топиши керак.

3-Мавзу: «Жамият ва ижтимоий тизимлар ва тузилмалар социология»си бу мавзу бевосита «Меъморчиликнинг социал асослари» фанидан кўплаб мавзулари билан боғлиқ бўлиб, асосан ундаги 3-мавзу билан узвий, жонли мисоллар билан боғланиб, уйғунлаштирилиб ўтилса «Социология» нинг ушбу мавзуи учун тузилган режадаги 4-та савол билан бевосита боғлаб ўрганилса мақсадга мувофиқдир. Жумладан, «Социология» фанининг ушбу учинчи мавзуи «Жамият ва ижтимоий тизимлар ва тузилмалар социология»си 4-та савол асосида талабаларга илмий-назарий жиҳатдан тушунтирилаётганда, бевосита ижтимоий жамият ва ушбу жамиятнинг ижтимоий тизим ва тузилмаларини талабларига мувофиқ «Шаҳар қурилиши обьектларини проектлашнинг социал асослари» (3 мавзуи) мавзудан мисоллар келтириб талабаларга билим берилса мақсадга мувоффик аҳамиятга эга бўлади. Чунки қайси ижтимоий тизимда шахар қурилишларига қандай эътибор берилганлиги ва ахолининг турмуш тарзига ҳам таъсири масаласини алоҳида тушунтиришга эътибор берилса катта аҳамиятга эгадир.

4-Мавзу: «Социал жамиятнинг сиёсий системаси ва сиёсий ҳокимият» номли мавзуи ҳам 4-та саволга мувофиқ режалаштирилиб, «Меъморчиликнинг социал асослари» фанининг «Атроф муҳитни шакллантиришда шаҳар ва шаҳар қурилиши элементларини проектлаштириш» мавузига ва бошқа бир қатор мавзулар билан боғлаб мисоллар, фактик материаллар билан жамиятда хукмрон бўлган сиёсий ҳокимият фаолиятини уйғунлаштириб тушунтирилса талабаларда фанларга нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Чунки шаҳар ва шаҳар қурилиш обьектлари давр талабига халқ мақсад ва манфаатларига, урф-одат, анъана, меросий қадриятларига, миллий маданиятга мувофиқ замонавий талаблар асосида қуриш учун лойиҳалаштириш ва уни амалга ошириш бевосита жамиятнинг сиёсий системаси ва сиёсий ҳокимият фаолиятига бевосита боғлиқ эканлигини талабаларга тушунтироқ зарур.

5-Мавзу: «Миллий масала ва миллий муносабатлар социология»си (янги дастурдан туширилиб қолдирган) мавзуи ҳам бевосита 3-та саволга режалаштирилган бўлиб, унда жамиятда этносоциология халқ, миллат, миллий масала ва миллатлараро муносабатларнинг ва улар социологиясини назарий жиҳатдан талабаларга тушунтирилиши жараёнида «Меъморчилик социал асослари» фанида эътиборга олинадиган Ғарб ва Шарқ меъморчилиги, шахар қурилишида уни мавзулар асосида ўрганилиши тавсия этилган мавзулар. асосан б-мавзу, яъни «Биноларни ва турар жойларни проектлаштиришнинг социал асосларини ўрганиш» ва уларнинг бир-бирига боғлиқлик соҳалар-мавзулари асосида иккала фанга мувофиқ мисоллар келтирилса ўринли бўлади, аҳамияти

таъсирчан бўлиб талабаларнинг фанларга қизиқишини оширади, тафаккурини янада кенгайтиради.

Жумладан, Ғарб ва Шарқ меъморчилигида халқ ва миллатлар анъанаси, маданиятига мувофиқ миллий каларит, миллий ашёлар, нафис санъатини алоҳида-алоҳида таърифланса талабаларга маъқул бўлиши табиийдир ва мақсадга мувофиқдир.

6-Мавзу: «Ижтимоий жамиятда маҳсус соҳалар социология»си мавзуи ҳам 3-та саволга режалаштирилган бўлиб, «Меъморчиликнинг социал асослари» фанидаги 7-мавзу «Ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалаштиришнинг социал асослари» мавзуи билан боғланиб ўтилса мақсадга мувофиқдир. Чунки маҳсус соҳалар социологиясида жамиятдаги социал институтларга мувофиқ жамиятдаги мавжуд жамиятнинг турли хил тармоқлари, уларнинг жамиятдаги аҳамияти иқтисод ва меҳнат, меҳнат тақсимоти социологияси, фан, маориф ва таълим, мафкура, маънавият ва дин социологиясининг назарий асослари, жамиятдаги аҳамияти атрофлича таърифланганда бевосита ишлаб чиқариш бинолари, уларни лойиҳалаштиришни социал асосларини анализ қилиб таърифлаб берилса иккала фаннинг бир-бирига боғлиқлиги, уларнинг мавзулари ўзаро уйғунлаштирилиб ўтилса талабаларда ушбу фанларга янада қизиқиш ортиб боради. Бу эса услубий кўрсатмаларда ушбу фанларга янада қизиқиш ортиб боради. Бу эса услубий кўрсатмаларда унинг асосий йўналишда муҳим аҳамиятга эгадир.

7-Мавзу: «Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хаёт социологияси» ва бу мавзудаги «Социал институтлар, ижтимоий жамоалар, шахс, оила, никоҳ ва турмуш муносабатлари социологияси» қизиқарли ҳамда фанлар предметига боғлиқ мавзу бўлиб унда 4-та саволга жавоб бериш режалаштирилган. Шу асосда ушбу мавзу бевосита «Меъморчиликнинг социал асослари» фанидаги 8 ва 9-мавзулари, яъни «Жамоат биноларини лойиҳалашнинг социал асослари» ва «Ижтимоий-миллий анаъналар ва турмушнинг меъморчилик-шахар қурилишини лойиҳалаштиришдаги таъсири» мавзуларига бевосита боғлиқдир. Чунки жамиятдаги хамма социал институтлар бевосита жамоатчилик учун қурилган биноларда фаолият кўрсатиш билан оила, никоҳ ва турмуш муносабатлари эса ижтимоий-миллий анаъналари, меъросий қадриятлар ва турмушнинг ўзига хос миллий хусусиятлари билан узвий боғлиқлик социологиясини ўрганиш билан боғлиқдир ва характерлидир. Шу сабабли ушбу иккала фандаги мавзуларни бир-бирига боғлаб уйғунлаштириб маъруза матнларида ва амалий машғулотлар (семинарларда) ўтилса талабалар нафақат қизиқишини, балки чуқур билим олиши табийдир.

8-Мавзу: «Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги ва суверенитетининг социал муаммолари» (бу мавзу ҳам янги дастурда йўқ. Аммо талабаларга тушунтириш зарур), социологиясида янги мавзу бўлиб, 3-та масала асосида ёритилиш режалаштирилган. Ушбу мавзу «Меъморчиликнинг социал асослари» фанининг ҳамма мавзуларига тегишли бўлиб, асосан 10 мавзу «Меъморий лойиҳалашда социал тадқиқотлар услубияти», 11-мавзу «Ахборот манбаълари, материаллар (маълумотлар) анализи», 12-мавзу «Таҳлил (анализ) қилинадиган материалларни танлаш-саралаш» ва бошқа мавзуларини ушбу мавзу билан боғлаб, мустақилликка эришган Республикамизнинг ютуқларини, илму-фан, маданият соҳасида ва асосан Республикамизда кейинги ўн йил ичида қўлга киритган ютуқлар билан меъморчилик, қурилиш соҳасидаги ижодий

яратувчиликка, бунёдкорликка мисоллар келтириб, илмий, назарий анализ, амалий фактлар қўшиб ўзаро боғлаб таълим берилса талабаларда чукур билимга асос солинади, ёш педагоглар эса дарс ўтишда услубий ахамиятга эга бўлган тажриба оладилар.

9-Мавзу: «Хозирги давринг глобал (умумбашарий) долзарб социал муаммолари» мавзуи хам кўпгина «Социология» фани бўйича ўкув қўлланмаларида эътибор берилмаган, янги мавзу бўлиб талабаларга тушунтиришда 3-та масалага ажратилиб ўтиш режалаштирилган. Ушбу мавзу «Меъморчиликнинг социал асослари» фанидаги ҳамма мавзулар билан, асосан 13,14,15,16 мавзулар билан, улардаги «Меъморий социал тадқиқотлар ва илмий тахлил» мавзуи ва ушбу фаннинг хulosалари билан боғланиб маъруза матнлари, семинар машғулотларини ўтиш методологиясини ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади, талабаларнинг фанларга қизиқишини оширади. Бу услубни қўйидагича амалга оширса бўлади.

Социологиядан тайёрланадиган ҳар бир мавзу ва маъруза матнлари, амалий (семинар) машғулотлари, ўтиш методикаси юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш асосида, ушбу уйғунлаштирилган методологик кўрсатмали тарзда ўкув қўлланмаси тайёрланади.

«Меъморчиликнинг социал асослари» фани ҳам талабаларга дарс беришни 30 соатлик режага мувофиқ қўйидаги мавзулар эътиборга олинган. Ушбу мавзулар юқорида кўрсатиб ўтилган «Социология» фанининг ҳамма 9-та мавзуи бўйича бир-бири билан узвий боғлаб, уйғунлаштириб, ўзаро мисоллар, тарихий социал маълумотлар асосида ушбу қўлланма шаклида тайёрлаш мўлжалланганини мақсадга мувоффикдир.

Меъморчиликнинг социал асоалари» фани бўйича «Социология» фани мавзулари билан қўйидаги мавзуларни боғлаб, уйғунлаштириб қўлланма илмий-услубий, амалий жиҳатдан ёзиб тайёрланса яхши бўлади. Ушбу мавзулар қўйидагилардан иборат: 1-мавзу: «Меъморий лойиҳалашнинг социал асослари ҳақида умумий маълумотлар»; 2-мавзу «Социал ва меъморий шаҳар қурилиш категорияларнинг ўзаро боғлиқлиги»; 3-мавзу: «Шаҳар қурилиши объектларини лойиҳалашнинг социал асослари»; 4-мавзу: «Шаҳар ва шаҳар қурилиши, атроф-муҳит шаклланишида лойиҳалаш элементлари»; 5-мавзу: «Бинолар, уй-жой биноларини меъморий лойиҳалашнинг социал асослари»; 6-мавзу: «Ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалашнинг социал асослари»; 7-мавзу: «Жамоатчилик биноларини лойиҳалашнинг социал асослари»; 8-мавзу: «Ижтимоий-миллий анъаналар ва турмушнинг меъморчилик-шаҳар қурилишини лойиҳалаштиришдаги таъсири»; 9-мавзу: «Меъморий лойиҳалашда социал тадқиқотлар услуби»; 10-мавзу: «Ахборот манбаълари, материаллар-маълумотлар анализи» ва бошқа мавзуларнинг маъруза матнлари, семинар ўтиш кўрсатмали қўлланмалари ҳар бир мавзу бўйича «Социология» фаннинг юқорида кўрсатилган мавзулари билан боғлиқ ҳолда, уйғунлаштирилиб, муҳим ва зарурий мисоллар билан амалий жиҳатдан қўрсатмали услубий ўкув қўлланмаси тайёрлансанда кутилган натижаларга эришишимиз табиидир.

Ушбу қўлланманинг хulosса кисмида илғор тажрибалар умумлаштирилиб, ҳар бир мавзуга доир таянч иборалар, назорат учун саволлар, маъруза ўқиш ва семинар дарс ўтишнинг самарали услублари тавсия этилса мақсадга мувофиқ

бўлади. Шу билан ушбу қўрсатмали услубий қўлланма охирида фойдаланилган адабиётлар руйхати, қўшимча ўқув қўлланмалари, классиклар асарлари, манбавий асарлар руйхати илова қилиниши шарт.

ХУЛОСА

Умуман олганда ижтимоий фанлардан талабаларга дарс машғулотларини олиб бориш жараёнида ва бу фанларни турдош предметлар билан уйғунлаштириб, бир-бирига жонли мисоллар билан қўшиб, боғлаб машғулотлар олиб борища талаба ёшлар қизиқишини ошириш, билим олиш фаолиятини кенгайтириш ва тезлаштиришга қаратилган юқорида қисман бўлсада тахлил қилиб ўтилган услубий мулоҳазалар ҳозирги кун талабига мувоффик бўлиб, шу тарзда дарс машғулотларини олиб бориш мухим ахамиятга эга ва зарурдир. Бу услубнинг самарадоролиги биринчи навбатда ижтимоий фанлардан дарс машғулотлари олиб борадиган педагог-ўқитувчининг маҳорати ва билим савиясига бевосита боғлиқдир, чунки унинг ўзи қайси услугуб қўлай ва натижали чиқишини яхши билади, шу услубни қачон ва қандай шаклда фойдаланишни танлаб олади. Энг мухими ўқитувчи-педагогнинг ўзи талабаларнинг билиш фаолиятини тезлаштириш, ижтимоий фанларга улар қизиқишини ошириш учун ижодий ёндашиб, қизғин мунозара-дискуссияга сабаб бўладиган мавзуга муаммовий йўналиш берадиган қўлай услубий йўлни танлаш бевосита педагогка боғлиқдир. Ундан ташқари ўқитувчи-педагог талабаларнинг ижтимоий фанларга қизиқишини ошириш учун дастлаб уларга яхши йўналтирувчи билим беришини, маъруза ва амалий машғулотларга фаол иштирок этишини, мавзудан ва мавзуга доир манбалардан конспектлар олишини талаб қилиши, талабалар ўртасида манбавий конспектлар танлови конкурсини ўтказиш, машғулот мавзулари бўйича мустақил ишларни узлуксиз ташкил этиш, консультация-маслаҳатлар беришни, фанлар бўйича биринчи манбаълар устида ишлаш малакасини бериб ўргатиш каби услубий ташкилий ишларни амалга ошириши шарт.

Ундан ташқари талабаларнинг социал-биологик характеристи ва руҳий ҳолатини хисобга олган ҳолда, давр тақазосига асосланиб, ижтимоий вазият, турмуш тарзи ва хаётий муаммолардан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир ижтимоий

фаннинг жамиятдаги ўрни, жамият тараққиётидаги ролини, энг мухими бу ижтимоий фанлар миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурамизнинг манбавий-ғоявий асослари эканлиги, давлатимиз куч-қудратини оширишда, унинг атрофида халқ оммасини жипслаштириш, президентимиз фармонларини, сиёсий бошқарув тизимимиз, сиёсий хокимиятимиз ва Республика Олий Мажлиси – парламентимиз қабул қилган қарорларини, мамлакатимиз олий қонуни, халқимиз куч-қуввати ва хуқуқий қудрати – асосий қонун – Конституциямиз моҳияти-мақсадларини оммага тушунтириш-даги ролини талабаларга албатта тушунтирумок зарур. Улар маъсулиятини оширмоқ учун ҳар бир талабада бу ҳақида қандай тушунча борлиги, улар муносабатини аниқлаш услубини ҳам узлуксиз амалда қўлламоқ давр талаби ва зарурдир. Бунинг учун энг самарали услугуб ҳар бир ижтимоий фанлардан дарс машғулотларини тамомлагандан кейин якуний аттестация (имтихон) ўтказиш яхши самара берадиган, хаётда синалган услубдир. Акс ҳолда талабалар характеристери ва табиатига (социал-биологик таъсир) хос таъсирчанликка берилиш малакасига асосланиб хулоса қилинса 70-80% талаба ижтимоий фанларга нисбатан қизиқиши бўлмайди, чунки улар фикрида бу салбий тушунча ижтимоий фанлардан дастлабки дарс машғулотлари бошланмасданоқ пайдо бўлади, қанчалик педагогда маҳорат бўлмасин, бундай салбий фикр ўрнашган талабаларни ижтимоий фанларга қизиқтириш у ёқда турсин, ҳатто дарсга ҳам келтира олмайди. Бу ҳолат тажрибада синаб кўрилди ва ўз исботини топган.

Ундан ташқари талабаларни ижтимоий фанларга бўлган қизиқишини ошириш, муносабатини объектив аниқлашда ҳар бир ихтисосли фан мутахассислари, чиқарадиган кафедралардаги профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирларининг ижтимоий фанлрга бўлган муносабати, айниқса ҳар бир факультет раҳбарияти-деканлар, ҳатто институт раҳбариятининг ҳам бу ижтимоий фанларга бўлган муносабати талабаларга кескин ё салбий ёки ижобий таъсир этиши табиийдир. Бу ҳолатни талабаларнинг ўзлари исботламоқда. Албатта бу ҳолатлар бевосита субъектив характерга эга бўлиб, унинг салбий таъсир этувчи жараёнларига барҳам бериш, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ижтимоий фан вакиллари жамоасига педагогик-ўқитувчи, илм аҳлининг фаол ҳаракатига, улар билим даражаси, услубий малака маҳоратига боғлиқдир.

Умуман олганда талабаларнинг ижтимоий фанларга бўлган қизиқишини ошириш, билиш фаолиятини тезлатиш, унинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги юқорида келтирилган бир қатор услубий мулоҳазалар, тажрибада синалган бўлиб яхши самарага ва натижаларга олиб келган. Бу албатта ўзгармас стандарт услуб бўлмай, балки ундан ҳам самаралироқ услубий йўналишлар бўлиши мумкинким, уларни топиш, қўллаш ҳар бир ижтимоий фан мутахассиси педагог-ўқитувчининг ўзига боғлиқдир.

Асосий мақсад – ижтимоий фанлардан талаба ёшларга билим, таълимтарбия беришдан, келажакда мустақил Ўзбекистонимиз учун садоқатли ватанпарвар бўлишга олий жаноб хислатга, мукаммал билимга, комил инсонийлик фазилатга мустаҳкам иймонга, чукур ва салоҳиятли маънавият намуналарига эга бўлган маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Талаба ёшларга, бундай салоҳиятли-фазилатли, ватангага

содик тарбияни ижтимоий фанларгина бераолади. Бундай тарбия бериш, ватанимизнинг қудратли бойлигини яратиш эса салоҳиятли кадрларга боғлиқдир.

Хурматли президентимиз И.А.Каримов: - «Қишлоқ жамияти эл-юргига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди, бутун мард-жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фаҳрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир»¹ - деб «Соғлом ва баркамол авлод учун» мавзуида сўзлаган нутқида бу ҳақда бежиз таъкидламаган эди.

Ана шундай улуғвор бойликни, қудратли салоҳият манбайнини яратишда ижтимоий фанларнинг муносиб ўрни ва роли чексиздир.

¹ И.А.Каримов. «Истиљол ва маънавият», Т.: «Узбекистон», 1994, 126-бет

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. «Истиқлол ва маънавият» Ташкент, «Ўзбекистон», 1994.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
3. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
4. И.А.Каримов. «Шу азиз Ватан – барчамизники». Тошкент, 1995
5. И.А.Каримов. «Кучли давлатдан кучли жамият сари» Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
6. И.А.Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Тошкент, 1996
7. И.А.Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.
8. И.А.Каримов. «Хушёрликка даъват». Тошкент «Ўзбекистон», 1999.
9. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.
10. И.А.Каримов. «Миллий истиқлол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Тошкет, 2000.
11. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар». Тошкент, 2000.
12. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси, 2-чақириқ, 9-сессияси материаллари. «Халқ сўзи» газетаси 2002 йил 30-август ва сентябр.
13. «Позновательский интерес – актуальная проблема современной дидактики». Журнал «Советская педагогика» №8, 1979 г.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ		3 – 6 бетлар.
1-боб.	Ижтимоий фанларга талабалар қизиқишини оширишнинг анаънавий услуби ва услубиятлари ҳақида.	6 – 26 бетлар.
§1.	Талабаларнинг ижтимоий фанларга бўлган қизиқишини ошириш имкониятлари ҳақида.	6 – 16 бетлар.
§2.	Ижтимоий фанлардан талабаларга дарс ўтишнинг муаммовий услублари ҳақида мулохазалар.	16 – 22 бетлар.
§3.	Ижтимоий фанлардан дарс ўтишнинг мунозаралий услубидан фойдаланиш йўллари.	22 – 26 бетлар.
2-боб.	Ижтимоий фанларга талабалар қизиқишини оширишнинг замонавий услублари ҳақида мулохазалар.	27 – 35 бетлар.
§1.	Таълим-тарбияда талабалар қизиқишини ошириш, фикрлаш қобилиятини кенгайтириш ва хушёрликка даъват этиш услублари ҳақида.	27 – 30 бетлар.
§ 2.	«Гетроген» ёки кичик гурухларга ажратиб дарс ўтиш услуби ҳақида.	30 – 31 бетлар.
§ 3.	«Бахслашув» ёки «Дебот» услуби ҳақида.	31 – 33 бетлар.
§ 4.	«Танқидий фикрлаш» ва бошқа замонавий услублар ҳақида.	34 – 35 бетлар.
3-боб.	Ижтимоий фанлар билан турдош ихтисосли фанларни уйғунлаштириб ўтиш услублари ҳақида.	35 – 41 бетлар.
§1.	Ихтисосли турдош ва ижтимоий фанларни уйғунлаштириб ўтишнинг афзалликлари.	35 – 37 бетлар.
§2.	«Социология» ва «Меъморчиликнинг социал асослари» предметларининг асосий мавзулари ва уларни уйғунлаштиришнинг услубий кўрсатмалари ҳақида.	37 – 41 бетлар.
ХУЛОСА		42 – 44 бетлар
Фойдаланилган адабиётлар.		45 бет.

Муаллиф Ш. АХАДОВ
«Ижтимоий фанларга талабалар қизиқишини оширишнинг
анъянавий ва замонавий услублари тўғрисида муроҳазалар»
(Илмий-услубий кўрсатмали қўлланма)

Ушбу Илмий-услубий, кўрсатмали қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълими Вазирлигига қарашли ўқув юртларининг ижтимоий фанлардан бакалавриат ва магистратура йўналишига таълим-тарбия, дарс берадиган педагог – ўқитувчиларга, ушбу фанлардан дарс беришга қизиқадиган ёш педагог – мутахассисларга фойдаланиши учун мўлжалланган.

Нашр учун маъсул ва бадиий мухаррир: Адолат Зиётова
Тахририят мудири: М.Шомуродова
техн. мухаррирлар: Фурқат Ахадов, Умаро Истамова
Мусахҳих:

Ушбу илмий-услубий кўрсатмали қўлланма «Ижтимоий фанлар» кафедраси кенгайтирилган мажлисида 2006 йил __ феврал, қарор сони №__, Самарқанд Давлат архитектура-курилиш институти Илмий Кенгашида 2006 йил __ февралида, қарор сони №__ кенг муҳокама қилиниб, фойдаланиш учун чоп этишга тавсия этилган.

Теришга берилди: 2006 йил феврал.
Босишга рухсат этилди: 2006 йил феврал.
Босма табоқ - 3,0 п.л.
Нашриёт манзили: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси 70 уй.
СамДАҚИ босмахонаси
500 нусха. Баҳоси эркин нархда
Самарқанд - 2006 йил.